



2

**КОИНОТДА
«САМАРҚАНД»
ПОРЛАЙДИ**

**ТЕША МЎМИНОВ:
САҲНАДА РОЛЬ
ЎЙНАМАЙМИЗ,
ЯШАЙМИЗ**



4



**ҲАЁТ БОШҚА, КИТОБ
БОШҚА (МИ?!)**

5



ҚАЙТАР ДУНЁ

7

БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН



Собир НАРЗИЕВ сурат-лавҳаси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

**Р. ИРМАТОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ИФТИХОРИ»
ФАХРИЙ УНВОНINI БЕРИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбек футболнинг шухратини жаҳонга танитиш, халқаро майдонда унинг нуфузини юксалтиришда ибрат ва намуна кўрсатгани, миллий футбол ҳакамлари мактабини ривожлантириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун Ўзбекистон футбол федерациясининг халқаро тоифадаги ҳаками, ФИФА рефериси Равшан Сайфиддинович Ирматовга «Ўзбекистон ифтхори» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 20 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

**Р. ИЛЬЯСОВНИ «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН
МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Мамлакатимиз футбол шухратини жаҳонга танитиш, халқаро майдонда унинг нуфузини юксалтиришдаги хизматлари, миллий футбол ҳакамлари мактабини ривожлантириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун Ўзбекистон футбол федерациясининг халқаро тоифадаги ҳаками, ФИФА рефериси Рафаэль Эдуардович Ильясов «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 20 июль

КЕЧА:

→ Шу йилнинг 16 июль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари муҳокама этилди.

→ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 7 миллион тоннага яқин юксак галла хирмони уйилишига муносиб улуш қўшган деҳқон ва фермерлар, барча дала меҳнаткашларига йўллаган табрик матбуотда эълон қилинди.

БУГУН:

→ Германиянинг Гамбург шаҳрида соврин жамғармаси 1 291 000 АҚШ долларига тенг бўлган теннис турнирида республикамизнинг биринчи рақамли ракетка устаси Денис Истоини чехиялик Лукаш Росолани уч сет ҳисоби бўйича ҳам енгиб, иккинчи босқич йўлланмасини қўлга киритди. У энди испаниялик Николас Алмагрога қарши кортда баҳсга киришади.

ЭРТАГА:

→ Ниҳоят, ўзлари танлаган соҳалар бўйича турли олий ўқув юр்தларига ҳужжатларини топшириб бўлган абитуриентлар 1 август куни ўтказиладиган давлат тест имтиҳонларига жиддий тайёргарликнинг сўнгги босқичларини якунлашга киришадилар.

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:

Чикинди тўкканга — жарима, инсофи йўққа эса...	3	Яна гижжи муаммоси ёхуд халқ табобатидаги даволар	11
Филиалнинг маъносини биласизми?	4	Отамни кўрган одамлар	12
Ота номус, ота виждондир	5	Дабдабали тўйлар, ҳашаматли уйлар эмас, соғлом фарзандлар керак	12
Офтобда куймасликнинг чораси бор	6	«Қор одам» бор одамми?	13
Тозалиқдан «кўрқадиган» касаллик	6	Кафканинг «темир сандиғи» очилди	14
Теледастурлар	8-9	Ирисметов ва Ривалдо дунё тўпурарлари рўйхатида!	14
Китобнинг ҳам уволи борлигини инутмайлик	10	«Сумкамда 3 млн. сўмлик буюмлар бор эди...»	16


ЎЗ МАВСУМИ КЎНГИЛЛИ ЎТМОҚДА

Қашқадарё вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси тасарруфида 132 та таълим маскани бўлиб, уларда 120 минг нафардан ортиқ ёшлар турли касб сирларини ўрганишмоқда. Жорий йилда уларнинг 326 15 нафари таълим муассасаларини тугаллаб, мустақил ҳаётга йўлланма олди. Ўзги таътил мавсуми бошланиши арафасида мазкур коллежларда таҳсил олаётган 270 нафар боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оила фарзандлари бошқарма тасарруфидаги соғломлаштириш оромгоҳларига жойлаштирилди.

Яккабоғ туманидаги Нугайли қишлоғида жойлашган Гагарин номидаги соғломлаштириш масканида мароқли ва мазмунли хордиқ чиқараётган ёшлар учун барча шарт-шароитлар яратилган.

— Ҳар йили бу аъёнага содиқ қолган ҳолда, меҳр-мурувватта муҳтож ўғил-қизларимизнинг кўнгилли дам олишлари учун кўлимиздан келгунича кўмаклашамиз, — дейди ўшбу оромгоҳ раҳбари Гулнора ҲАКИМОВА. — Сўлим табиат кўйида, шинам ва салқин хоналарда дам олиб, дарё бўйида сайр қилган ёшлар янги ўқув йилига ҳам руҳан, ҳам жисмонан тайёр бўлишади.

Оромгоҳ бош тарбиячиси Раъно Жумаеванинг болалар билан ўтказётган қизиқарли ва фойдали маданий-маърифий тадбирлари кўпчиликка манзур бўлаётир. Беш гуруҳ-



га бўлинган ўқувчилар "Балли, йигитлар", "Кувноқ старлар", "Келинг, қулишайлик" мавзуларида ўтказилган кечаларда фаол қатнашиб, эҳтишом ва эпчилликларини синаб кўришмоқда.

"Ватанимни куйлайман" деб номланган тадбирда Муборак саноат коллежи талабаси Алишер Ибодуллаев, Қарши қишлоқ хўжалик коллежи ўқувчиси Александр Харламенко, Фузур транспорт коллежи вакиласи Лобар Бозорова, Яккабоғ иқтисодий коллежининг талабаси Бах-

✓ БАРКАМОЛ АВЛОД

тигул Исломовалар Ватан, истиқлол, ва меҳр-мурувватни мадҳ этувчи кўшиқлари билан кўнгилларга завқ-шавқ улашдилар.


Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, 2010 — "Баркамол авлод йили"да талабалар маъмурият ва қасаба уюшма кўмиталари маблағлари ҳисобидан соғломлаштириляпти. Бунинг учун ҳар бир коллеж маъмурияти кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган ўқувчиларни эътиборга олиб, уларга ғамхўрлик кўрсатиш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиққан.

— Фарзандларимизнинг мана шундай сўлим гўшаларда дам олишлари баркамол авлод бўлиб вояга етишларига хизмат қилиши шубҳасиз, — дейди вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси бирлашган қасаба уюшмалари кўмитаси раиси Шухрат Турдиев. — Тасарруфимиздаги касб-хунар коллежларида таҳсил олаётган 29 нафар иқтидорли спортчи-ўқувчи ёзги ўқув йигини машғулотларини ҳам айнан ушбу оромгоҳда ўтказаяпти. Чироқчи спорт коллежи мураббийси Наврўз Бобоев раҳбарлигидаги ёшлар таътил қунарини мароқли ўтказиш билан бирга, беллашувларга пухта тайёргарлик кўришлари учун бошқармамиз томонидан спорт анжумлари олиб берилди. Волейбол ва футбол майдонлари тартибга келтирилиб, махсус давомидида мунтазам шуғулланиши учун имкон яратилди.

Шунингдек, Таълим ва Фан ходимлари қасаба уюшмаси вилоят кенгашига қарашли Шахрисабз туманида жойлашган Й.Охунбобоев номидаги оромгоҳда ҳам соҳа ходимларининг фарзандлари ёзги дам олиш мавсумларини кўнгилли ўтказишмоқда. Оромгоҳ раҳбари Қаҳрамон Ҳалимовнинг изоҳ беришича, шу кунгача бу масканда 800 нафарга яқин ўғил-қизлар саломатликларини тиклаб, дам олиб кетишди. Яна бир эътиборли жиҳати, шу мавсумдан бошлаб бу ерда ахборот-ресурс маркази, амфитеатр ишга туширилди, спорт майдончаси таъмирланди.

Шавкат СУЛТОНОВ,
"Оила ва жамият" муҳбири.
Қашқадарё вилояти

СУРАТЛАРДА: Шахрисабз туманида жойлашган Й.Охунбобоев номидаги оромгоҳда хордиқ чиқараётган болалар ҳаётдан лавҳалар.



ЎЗИМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН...

Шу сўзни қаерда эшитсак, бирданига фаҳрга, гурурга тўлиб кетамиз. Мустақиллик йилларида оғир ёки энгил саноат дейсизми, қишлоқ хўжалигимиз, хуллас, барча тармоқларда тараққиёт суръатлари юксалиб бораётир. Бугунги кунда «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ибораси тобора кўпроқ жанрламоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги қарориди белгилаб берилганидек, кейинги йилларда рақобатга бардош берадиган юқори сифатли ноозиқ-овқат истеъмол моллари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш давр талабидир. Шу боис, ўзимизнинг ички истеъмол бозоримизни ана шундай товарлар билан тўлдириш, тайёр ноозиқ-овқат молларини ишлаб чиқаришга ихтисослашадиган корхоналарни очиш ва фаолият кўрсатаётганларини модернизациялашга ва соҳа ходимлари турмушини яхшилаш, меҳнатини қадрлаш, рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.


Мазкур қарорда кўзда тутилган мақсад ва вазифаларни ҳаётга изчил жорий этишда Ҳамза тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан ҳам қатор амалий тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2009-2011 йилларда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш борасида махсус режа ва дастурлар асосида қатор амалий ишлар олиб бориляпти. Туманимиз ҳудудидида фаолият юритаётган турли йўналишлардаги ўнлаб акциядорлик, хусусий корхона ва жамиятлар жамоалари ўртасида ушбу қарорда назарда тутилган долзарб вазифалар мазмун-моҳиятини тарғиб этиш, шунингдек, бу муҳим ҳужжат ижросини таъминлашдаги амалий фаоллик даражасини оширишга кўмаклашяптиз. Натижада, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхоналар нафақат ўз маҳсулотларининг ҳажми ёки турига, балки сифат ва даражаси юқори бўлишига ҳам эришмоқда.

Икром БАҚОЕВ,
Тошкент шаҳар Ҳамза тумани
ДСИ ходими.

✓ ХУШҲАБАР

КОИНОТДА «САМАРҚАНД» ПОРЛАЙДИ


Самарқанд давлат университетидида ўзбек астроном олимлари томонидан кашф этилган «Самарқанд» кичик сайёраси учун АҚШдаги Гарвард халқаро кичик сайёралар маркази томонидан берилган сертификатни топшириш маросими ўтказилди.



Тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда астрономия фанининг ривожланиш тарихи ва бугунги кунда олиб борилаётган илмий изланишлар ҳақида сўз юритишди. Тизимда амалга оширилаётган ислохотлар юртимиз олимлари ва ёш тадқиқотчилар томонидан эришилаётган юқори натижалар, оламшумул кашфиётларда ўз аксини топмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Астрономия институти илмий ходимлари — Баҳодир Ҳафизов ва Алексей Сергеевнинг самодани янги сайёра кашф этиши ҳам ана шу эътибор самарасидир.

— Бу янги сайёранинг кашф этилиш тарихи 2007 йилга бориб тақалади, — дейди Астрономия инсти-



тутининг кичик илмий ходими, кашфиёт муаллифларидан бири Баҳодир Ҳафизов. — Институтимизнинг Майданак обсерваториясида телескоп орқали самони кузатиб турганимизда турғун юлдузлар фониди тез ҳаракатланаётган объектни кўриб қолдик. Сўнгра бу ҳақда Америка Кўшма Штатларидаги Гарвард халқаро кичик сайёралар марказига маълумот юбордик. Тез орада марказдан бу самовий объект халқаро каталогларда қайд этилмагани ва унга дастлабки рақам берилгани тўғрисида хабар олдик. Шундан кейин бу борадаги изланишларимизни яна давом эттирдик ва кичик сайёранинг орбитаси элементлари юқори аниқликда топилди.

Нихоят, 2009 йили халқаро марказ мутахассислари бу ҳали бирор бир давлатнинг астроном олимлари томонидан кузатилмаган сайёра экани ва унинг халқаро каталогларда доимий 210271 рақами билан қайд этилганини маълум қилишди.

Таъкидлаш лозимки, шу пайтгача ҳам коинотдаги кичик сайёралардан бештасининг номланиши юртимиз билан боғлиқ бўлса-да, уни турли мамлакатлар олимлари кашф этишган ва буюк аждодларимизнинг инсоният цивилизацияси, дунё астрономия фани ривожига қўшган ҳиссаси инобатга олиниб, «Ўзбекистония», «Авиценна», «Улуғбек», «Беруний» ва «Хоразмий» номлари берилган. Янги кичик сайёра эса мамлакатимиз олимлари томонидан кашф этилган биринчи сайёра ҳисобланади. Президентимиз тақлифи билан унга ер юзининг сайқали деб ном олган, астрономия фанининг бешиги — Самарқанд шаҳри номи берилди. Бу ҳақда Гарвард халқаро кичик сайёралар марказининг жорий йил 27 майда чоп этилган циркулярида тасдиқлаб қўйилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Астрономия институти директори Шухрат Эгамбердиев махсус сертификатни Самарқанд шаҳар ҳокими З. Мирзаевга тантанали суратда топширди.

Гулруҳ МЎМИНОВА,
"Оила ва жамият" муҳбири.
Самарқанд вилояти

ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТ ҚАЧОН ШАКЛЛАНАДИ?

ТАБИАТ ВА БИЗ

Кундалик ҳаётинг кўпинча тонги кайфиятига қараб ўзгаради. Деразаларни катта очиб, тоннинг мусаффо ҳавосидан тўйиб симираб эканман, кўзим ногаҳон яқиндагина турли чиқиндилардан тозаланган майдончага ахлат тўкаётган ёши улугроқ аёлга тушди. Шошапиша "Холажон, ахир у ерга ахлат тўкиши мумкин эмас-ку!" деб кичқирдим. У киши илкис бошини кўтариб менга қаради-да, яна бамайлихотир челагини қоқа бошлади:

— Бирман хўжайинлар кўпайиб кетганки...

— Ахир, анави ёзувни кўрма-яписми? "... ахлатдай хор бўлишни истайсизми?"

— Бор-е! Сенга ўхшаган дастурларим бўлса, ўзим билардим. — Ховлидаги болаларга айтсангиз ҳам бўларди-ку? Ўзи, зўрга тозаладик...

Хола пинагини ҳам бузмай илдам нари кетди. Бундай беписанд муомалани кўриб, кайфиятим бузилди. Оналарни мажбурлаб ахлат тўкишга жўнатган болаларни тушуна бўлади, назоратсиз қолгач, яқинроқ жойга индамай тўкиб кетаверишади. Лекин катта ёшдагиларни-чи? 50 метр нарида чикинди қутилари бор...

Турар жойлардаги ахлат уюмларини жамоатчилик асосида тозалаган Янгиобод кўрғони Дукент даҳаси коммунал хизмат кўрсатиш тармоғи бошлиғи Фариди опа Шербўтаеванинг куюнганича бор: Аҳолида экологик маданият талаб даражасида эмас, баҳамжиҳат бирор ишни қилиб бўлмайди. Кечагина ёш болалар ўйнаб юрадиган бу майдончага тахминан ўн тача кўпқаватли уйлариинг аҳолиси чикинди тўкишарди. Баҳорнинг илк кунларида олиб борилган тозалик ишлари самараси ўларок, Дукент кўрғонидagi барча худудларда махсус "бурчак"лар ташдиқ этилди. Аммо минг афсуски, ахлат батамом олиб ташланган жойга яна бекорасатларча чикинди ташлайдиганлар топилди. Айрим кўча супурадиган фаррошлар бўлса, тўплаганларини махсус қутиларга олиб бориш ўрнига супурилган жойлардаёқ ёқиш билан овора. Ҳозир нима кўп, махсуслотлардан қолган бир марталик пластик идишлар кўп. Мутахассисларнинг фикрича, пластик идишларнинг фақатгина 10 фоизи қайта ишланади. Ишга яроқсизлари табиийки, асосан ахлатхоналарга юборилади. Уларнинг парчала-


ниши учун эса тахминан 450 йил кетар экан. Статистикага кўра, пластик идишлар барча қаттиқ маиший чиқиндиларнинг 6 фоизини, ёнмайидиган чиқиндиларнинг 50 фоизини ва йўл бўйидаги табиий парчаланмайдиган ахлатнинг тахминан 90 фоизини ташкил қилади. Шу билан бирга, пластик ишлаб чиқариш учун йилга 2 миллион тоннага яқин нефть ва табиий газ сарфланади! Пластикни асло ёқиб бўлмайди, чунки уни ёқишда инсон организмни заҳарловчи, жуда хавфли, ўта заҳарли моддалар — диоксинлар ажралиб чиқади.

— Маиший кимё препаратлари озиқ маҳсулотлари таркибида бўлиб, заҳарли моддаларнинг кичик концентрациялари иммунитет ва репродуктив тизим касалликлари, саратон касалликлари, болаларда туғма нуқсонларнинг ривожланишига олиб келади, — дейди биз билан суҳбатда Ангрен шаҳри Дукент даҳасидаги оилавий поликлиника болалар шифокори Бахринисо Ҳузайбекова. — Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, яшаш муҳитининг зарарли омиллари таъсиридан ҳар йили 3 миллионга яқин 5 ёшгача бўлган болалар ҳалок бўлади-лар. Ҳатто маиший маҳсулотлар, уйинчоқлар сотиб олаётганингизда ҳам эҳтиёт бўлинг. Мурғак болаларга иложи борича мамлакатимизда ишлаб чиқарилган тоза пахтали кийимлар кийдириш, четдан келадиган аксарият буюмларда синтетик тозалар мавжуд бўлиб, улар ўсиш ёшидаги бола организмга ҳаво ўтказмайди. Сиртдан қараганда жуда чиройли кўрингани билан улар болада аллергия касалликларини ҳам келтириб чиқаради. Ёш оналарга ҳам ишга тозаликка риоя қилишлари муҳимлигини ўқтираман. Афсуски, айрим оналар болани оқватлан-тиришдан олдин қўлларини совуқлаб ювишни унутиб қўядилар. Болани озиқлантириш, қўйилтириш, муомалага ўргатиш қоидаларини билишмайди. Хонадонларга борганимизда айни пайтда урф бўлган меламинадан

тайёрланган пластик идишлардан ҳам фойдаланаётган ёш оналарни эҳтиёт бўлишга чорлаймиз. Тўғри, бундай идишлар кўринишидан жуда хушбичим, қопқоқлари бор, аммо унинг таркибидаги формальдегид иссиқ сув билан реакцияга киришганида, айниқса, идиш салгина қирилган бўлса, овқатга ажралиб чиқади. Формальдегид кан-

мумкин.

Муҳаммадсўфис исми талаба бир йиллик ўқишини Польшава давом эттирди. "Экологик маданият кенг шаклланиб боради, аммо унинг таркибидаги формальдегид иссиқ сув билан реакцияга киришганида, айниқса, идиш салгина қирилган бўлса, овқатга ажралиб чиқади. Формальдегид кан-



цероген моддалар кўз, томоқ, тери, нафас йўллари ва ўпкани кучли ачиштиради. Ҳар бита маҳсулотнинг экологик тозалигига аҳамият бериш турли касалликларнинг олдини олишга ёрдам беради, албатта.

— Шаҳарлардаги кўплаб бекатларда ахлат қутчалари мавжуд, аммо вилоятларда бу манзарани учратмайсан. Кузги япроқларнинг ёқиши ҳам атрофдаги турли саломатлигига зарарлигини яқин биламиз, яхшиси, уларни дарахтлар тагида қолдирган маъқул. Шунда тупроқнинг ҳосилдорлиги анча ошибгина қолмасдан, қаттиқ совуқларгача ва улардан кейин ҳам кишиларнинг асаб тизимига ижобий таъсир кўрсатувчи чириган барглари ҳидидан завқ олиш

дек муносабатда бўлишади. Бизнинг сархил меваларимиз дунёдаги меваларнинг энг ширини ва машури, аммо... Ана шундай серкўёш ва бой ўлканинг сувларини асрамаймиз, боғларини ва тоғларини пайҳон қиламиз. Бу оғрик... ", деганди у.

Кайсидир йили бирга ишлаган япон ўқитувчиси билан гуруҳимиз талабалари Бўстонлик томонларга сайрга чиқдик. Атроф ниҳоятда сокин ва салқин. Шохлари тарвақайлаб ўсган дўлана тагида жойлашмоқчи бўлдик. Шунда кўзимиз дарахт тагида ёқилган гулхан ўрнига ва турли чиқиндилар босиб ётган саҳнага тушди. Ростки, япон ўқитувчиси олдида хижолат чекди. Негаки, у бошини сараксак қилганча бу ерда дам олиб кетган кишилардан хафалигини изҳор қиларди. Аслида

дам олиш маданияти, табиатда ўзини туттиш қоидалари жуда ҳам содда — унга оқилона ва инсонпарвар муносабатда бўлиш билан лозим. "Эски гулханлар ўрнидан фойдаланиш керак, чунки гулхан ёқилган жойда ўсимликлар фақат 6-8 йилдан сўнг қайта тикланади", фикр билдирди "сенси". Дарҳақиқат, бизнинг кўрғоқчил иқлимда ёнғин чиқиш хавфи борлигини унутмаслик жуда ҳам зарурдир. Ёнғиндан сўнг ўсимликлар бир неча йиллар давомида қайта тикланмайди. Шиша идишлар ҳам қўёш нурларини синдириб, ёнғин келтириб чиқариши мумкинлигини биламиз.

Охириги 40 йил ичида жаҳон бўйича киши бошига чучук сув миқдори 60 фоизга камайди. 2025 йилга келиб Ердаги ҳар 3 кишидан 2 таси ичмалик суви етарлича бўлмаган худудларда яшаш қийин бўлади. Лекин сув ҳеч қаерга гойиб бўлмаяпти, унинг табиатдаги миқдори ўзгармас ҳолда турибди. Аммо сувга саноат ва маиший чиқиндилар, турли хил заҳарли кимёвий моддалар тушиши натижасида "тирик" сув инсон учун яроқсиз ва атроф-муҳит учун хавфли бўлган "ўлик" сувга айланмоқда. Бу барчамизни ташвишга солганида эди, жўмрақларимиздан беҳудага оқиб ётган сувини тежашга бўлардик. Таассуфки, қувурларимизга электрон ҳисоблагичлар қўйилганига тежамкорлик ҳақида ўйлаб қоламиз. Уни ҳаётсиз яшолмаслигини унутиб, ичимлик суви билан томорқаларимизни суғорамиз, машиналаримизни ювамиз...

Олимлар иқлим ўзгариши билан ер юзидан ўсимлик ва ҳайвон турларининг 15 фоиздан 40 фоизгача йўқолиши мумкинлигини ҳисоблаб чиққанлар. Жаҳонда иқлимнинг глобал ўзгаришларидан манфаатли бўлган бирорта мамлакат йўқ. Келажакда иқлим ўзгаришлари янада жиддий оқибатлари билан таҳдид солмоқда. Бу жараёни ҳозир секинлатиш лозимдир. Ва албатта, бунда барчамизнинг ўрнини унутиб, қарақчилик қобиғидан чиқиб, уйғонишимиз керак. Аввало, фарзандларимизга мурғаклигидан экологик маданиятни сингдирайлик.

Нигора ШОФАЙЗИЕВА

«КИЧКИНТОЙ»НИ БИЛМАСИЗ...

БОЛАЛИГИМ — ПОШШОЛИГИМ

«Болаларингизни келажак замонларга мослаб улғайтириш. Чунки улар сиёсий даврингиз инсонлари эмас, келгуси даврларнинг одамларидир», деган экан донишмандлардан бири.

Самарқанд вилояти Пастдаргом туманидаги 12-сонли «Кичкинтой» санатория-боғча ҳовлисига қадам қўйишимиз билан болалар руҳиятига хос ва мос манзаралар — панно ва шпорлар, турли эртак қаҳрамонларининг ҳайкалчалари, фавворалар, анвоий гуллар ва байроқлар диққатингизни жалб этади. Бу ердаги озодалик, тартиб-интизомни, кичкинтойлар дидига мослаб безатилган машғул ва дам олиш хоналарини кузатар экансиз, беихтиёр болалик оламига кириб қолгандек бўласиз.

— Боғчамизда 8 та гуруҳда 160 нафар кичкинтойлар тарбияланади. Уларга «Учинчи минг йилликнинг боласи» дастури асосида таълим-тарбия берамиз, — дейди санатория-боғча мудираси Додар ЖУРАЕВА. — Фаолиятимиз асосан соғломлаштиришга қаратилган бўлиб, машғуллар ўзбек, рус, инглиз тилла-

рида олиб борилади. Беш маҳал овқат ва сутли маҳсулотлардан ташқари наъमत суви ва турли витаминлар берилади. Камқонлик ва юқумли гепатит касаллиги билан оғриган болалар соғлом бўлиб кетиши учун даволаш-профилактика му-



олажалари ўтказилади. Тўртта гуруҳда 30 нафар узоқдан келган болалар борлиги боис кеча-кундуз фаолият кўрсатамиз.

Мамлакатимиз Президентини томонидан 2010 йилнинг «Баркамол авлод йили»

деб эълон қилиниши бежиз эмас. Бу эса келажакимиз эгалари бўлмиш ёш авлодга эътибор давлат сиёсати даражасидаги масалага айланганлигидан далолатдир. «Гўдак дунёга келиб йўлагани ҳамона тарбиясининг саккиздан беш қисмини босиб ўтган бўлади. Ҳаёти давомидаги тарбияни эса қолган қисмида олади», деб ёзган эди болалар адибларидан бири. Бола кейинги тарбияни ота-она, боғча тарбиячилари, мактаб ўқитувчилари ёрдамида ўрганиб боради. Д.Жўраеванинг таъкидлашича, мажмуада ота-она, маҳалла ва мактаб ҳамкорлиги изчил йўлга қўйилган.

Кичкинтойлар масканида ташкил этилган ҳар бир тадбир таълим тизимидаги ислохотлар дастурига ҳамохандир. Саккизта гуруҳга бўлинган болалар ўзбек, рус, инглиз тиллари, рақс ва кулчилик санъати йўналишлардаги тўғаракларга жаниб этилган.

Муассасадаги тарбияланувчиларга 45 нафар тарбиячи-энага таълим-тарбия беришмоқда. Айтмоқчи, боғча «Янги авлод — 2009» болалар ижодиёти фести-

валининг вилоят босқичида рақс бўйича 2-ўринга муносиб деб топилди. Вилоят мактабгача таълим муассасаси ўртасида ўтказилган «Дўмбоқча—2009» кўрик-танловига ҳам кичкинтойларнинг эришган ютуқлари мактаса арзигулик. Танловнинг «Энг билимдон дўмбоқча» номинациясини Шаҳноза Холмирзаева эгаллаган бўлса, «Энг иқтидорли дўмбоқча» номинацияси Нуржон Холмирзаевага насиб этди. Жамоа реитинг бўйича туманда 1-ўринни, вилоятда 2-ўринни эгаллаб келмоқда.

— Кўриб турибсиз, бу ер боғчадан кўра кўпроқ эртаклар оламига ўхшади, келган боланинг қайтиб кетгани келмайди, — дея сўзида давом этади Додар Жўраева. — Болажонларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан камолотга етишлари учун барча шароитлар яратилган. Зухра Ноханова, Насиба Худойкулова, Моҳира Жунаидова каби тарбиячилар ўз билимдонликлари билан алоҳида ажралиб туради.

ҲОШИМ ОРЗИҚУЛОВ,
«Оила ва жамият» муҳбири.



РАДИОДАН УҚИЙМИЗ!

У машхур театр даргаларининг "Саҳна ўғирлик ва хиёнатни ҳеч қачон кечирмайди, томошабин қарши-сидаги ҳар бир чиқишинг воқеа бўлмоғи керак", деган пурмаъно ўғитларига бир умр амал қилиб яшади ва кам бўлмади. Элимизнинг суюкли ва ардоқли санъаткори сифатида кадр топди, эъзоланди. Маҳорати бетақрор, салобати ўзига хос, овози эса ҳар бир яратган образига мос Ўзбекистон халқ артисти Теша МҶМИНОВ саҳифамизнинг бугунги меҳмони.

ТЕША МҶМИНОВ:



САҲНАДА РОЛЬ ЎЙНАМАЙМИЗ, ЯШАЙМИЗ

— Теша ака, тан олиш керакки, сиз санъат соҳасида ўзига хос йўл топган, устозлик макюмига эришган актёр-сиз. Бу ҳақиқатни кўпроқ катта авлод вакиллари ҳар доим эътироф этишади. Бугунги кунда-чи, янги бир давр авлоди билан ижод қилиш қийин бўлмаяптими?

— Оқдий бир оилани тасаввур қилинг, болалар улғаяди, ота-она қарийди, шунга ўхшаб, бизнинг театрда ҳам авлодлар алма-машинуви рўй берапти. Шогирдларимиз, институтларни битириб келаётган йигит-қизларимиз билан биргаликда ишлаш бизлар учун жуда қизиқ ва мароқли. Керак бўлса, ана шу умидли ёшлардан кўп нарсани ўрганиш мумкинлигига ҳам амин бўлаяпман. Уларга кўпроқ ишониб, кенгроқ имконият яратиб берсак, ишончимизни оқлашади.

— Кузатаётган бўлсангиз, кейинги пайтларда баъзи бир тижорат фильмларида оталар, қайноталар образини ҳамма танийдиган, биладиган номдор актёрлар ўйнайдиган бўлиб қолди. Бу борарда қандай фикрдасиз?

— Ҳозир биласиз, студиялар кўп, турли хил мавзулардаги фильмларни ишлаб ётишибди. Қандини урсин, пулини, маблағини топибди, ишлабверибсин. Лекин барибир муҳлислар бир куни уларнинг сарағи билан пучагини ажратиб олишади. Менинг бир ниятим, савияси баланд ва сифатли фильмларимиз кўпайсин. Шу билан бирга, ҳақиқий истеъдодли ёшлар чиқсин.

Баъзан кузатаман. Тасаввур қилинг, саҳнада ёки олаёлик, кинода драматик фожеа талқин этилмоқда. Лекин роля ўйнаётган актёрнинг кўзида дард йўқ, алам йўқ. Бундай дардсизлик билан томошабини ишонтириб бўладими? Том маънодаги ижод ҳам-мавақт ҳам сон жиҳатдан эмас, сифат жиҳатдан тан олинган.

Янги асар яралмоғи учун укта бирликнинг маъжудлиги жуда муҳим. Бу драматург, режиссёр ва актёрлар бирлиги. Албатта, бастакор, мусаввирларнинг фа-

олияти ҳам эътиборда тутилмоғи лозим. Бу катта асарлардан, фильмлардан тортиб, кичик саҳна кўринишларига ҳам хос тушунча.

— Айтинг-чи, ҳаётингизда театр ва томошабиннинг ўрни, даражаси қандай роль ўйнайди?

— Истайсизми-истамайсизми, театр ҳам, актёр халқи ҳам ўз томошабини, шинавандаси билан "тирик". Шунинг учун ҳам бизнинг устозларимиз ҳар доим муҳлислари хузурига чиқишдан аввал неча марта Яратганга илтижолар қилишган, керак бўлса, калима қайтариб кейингина чиққан. Шунинг учун саҳнани муқаддас даргоҳ деймиз.

Театр санъати — энг қадимий санъатлардан бири. У инсонларни маънавий юксаликка, олижаноблик, ҳалоллик, покликка ундайдиган маънавий ўчоғи. Театрга келган томошабин ундан бир нарса олиб кетмоғи шарт.

— Ёзилаётган ва кўйилаётган саҳна асарларидан кўнглингиз тўлаяптими?

— Албатта, дид билан, савия билан ёзилиб, саҳнада оҳор берилиб сайқалланган, бир сўз билан айтганда, томошабин соғиниб кўрса арзийдиган асарларимиз кўп. Энди, нима деймиз, баъзан зуваласи хомлариям бор, улардан ҳам кўз юммаслик керак. Устозларимиз тақрор ва тақрор айтиб келган: театр ҳеч қачон томошабиннинг ортидан эргашмаслиги керак!

— Айтишларича, сиз 1966 йили институтга кириш имтиҳони топшираётганингизда баланд овозда монолог ижро этиб бериб, ўқитувчиларни лол қолдирган экансиз. Уша воқеани бир эсланг-чи?

— Ушанда қабул комиссиясида бўлган Темурмалик ака ижро маҳоратидан менинг иктидоримни кузатиб, ҳазиллашиб сўради:

— Ҳўш, бу йигитчамиз қаердан келган экан?

— Бухороликман, домла, — дедим шоша-пиша.

— Унда хужжатларини қайта-риб, жавоб бериб юборинглар,

— деди у киши жиддий оҳангда.

Бу гапни эшитиб, бирданига кўриб кетдим ва зўрга дудукланиб "Нега, домлажон?" деёлдим холос. Шунда Фуломов домла ҳазил аралаш:

— Сенинг тилинг чатоқ экан, ука, келопти, кетопти, деб одамнинг бошини қотирасан, — деди-да, сал жилмайди. Шундагина ўзимга келдим-у, ҳаяжон билан:

— Ҳўп бўлади, домлажон, тахлайман, тахлайман, — деганим ҳалиям эсимда. У киши бўлса:

— Нимани тахлайсан? — деб сўраган эди, мен:

— Тилимни тахлайман, тилимни, — дедим. Менинг жавобимни эшитгач, кулди-да, сўнг:

— Мана устозинг, Олим Ҳўжаев, қирқ йилдан бери тилини тахлайди. Шоҳим, деёлмайди, шоҳэм, дейди...

Ана ўшанда айтилган бир оғиз танбехдан кейинчалик тўри хулоса чиқарганман. Чунки театр ва кинода тилга, талаффузга жуда катта эътибор, хурмат бўлиши керак. Баъзан айрим киноларда актёрларимизнинг бемалол ўз шеvasида роль ўйнаётганини кўриб, жажлим чиқади. Хоразмлик "ховва" деб, бухоролик эса "эбий", андижонлик бўлса "аши", тошканлик "вогги"лаб турса, адабий тил нормалари деган талаблар нима бўлади?

— Оилангиз, фарзандларингиз ҳақида гапириб ўтсангиз. Улар орасида сизнинг ортингиздан ҳам эргашганлари бор...

— Тўрт нафар фарзандим бор. Катта ўғлимиз Толибжон Миллий театрга ўзим билан ёнма-ён ижод қилмоқда. Қизимиз Тиббиёт академиясида ишлапти, фан номзоди. Яна бир ўғлимиз иқтисод йўналишида таҳсил олган. Бирдан-бир ниятим фарзандларим қайси соҳада бўлмасин, эл қорига ярайдиган, халқнинг дуосини оладиган, имонли, тарбияли, қобил фарзандлар бўлиши, шунинг ўзи катта давлат.

— Толибжон ҳақида нима деясиз? "От ўрнини той

босар" деганларидек...

— Ҳар бир одамнинг ўз ички олами, ташқи дунёси бор. Бир инсон иккинчи бирини ҳеч қачон тақрорламайди. Шундай экан, табиийки, бу менинг ўзимман, яъни Теша Мўминов, тақдирим бошқа, қисматим бошқа. Қолаверса, бизнинг энг гуллаган ёшлигимиз қандай кечган, жўшиб, қайнаб ижод қилган давримиз-чи? Буларнинг замони эса бутунлай бошқа. Ёш ижодкорлар учун яратиб берилаётган имкониятларни, шарт-шароитларни кўриб, ҳаваси келади кишининг. Эҳ, қанийди, ҳозир 20–25 ёшда бўлсам эди, қандай ишлашни билардим, деб кўяман ичимда. Энди фақат маза қилиб ишлаш керак. Шу маънода, менинг баъзи бир жиҳатларим ўғлимда бўлмаслиги табиий. Бироқ Толибнинг ҳам муҳлисларга манзур бўлган ўз роллари, яратган образлари бор. У ҳам саҳнага чиқаётганида ҳар бир ролининг имтиҳон эканлигини чўқур англайди. Мен бундан хурсандман. Тўғри, баъзи нуқсон-камчиликлари ҳам йўқ эмас. Толибжон жуда кўп ишлаши, ўрганиши, тажриба тўплаши керак. Бунда актёрнинг ички салоҳияти, билими, юз ифодаси, ҳатто



КЕСАК — "қотган ер парчаси" маъносини англатган бу сўз "кес" сўзидан ҳосил бўлган, ернинг кесилган кичик бўлакчаси деган мазмундан келиб чиққан.

...қиз девордан кесак кўчириб олиб, мулла Норқўзига ўқталди.

Абдулла Қаҳҳор

ФИЛЬТР — Бир қарашда бу сўзнинг маъносини ҳаммаамиз биламиз, яъни у суюқлик ёки газларни кет-раксиз аралашмалардан тозалаш учун хизмат қиладиган мослама, сузгич маъносини билдиради. Бироқ унинг туб маъносини ҳаммаамиз ҳам билвермаймиз. "Филтр" сўзи латинча бўлиб, "кигиз", "намат" деганидир.

ФИЛИАЛ — Бу сўзнинг ҳам туб маъноси жуда қизиқ. Маълумки, бирор йирик корхона, муассаса, ёки жамоат ташкилотининг мустақил бўлимига "филиал" дейилади. "Филиал" сўзи асли латинча бўлиб "ўғилга оид, ўғилники" деган маънони билдиради. Яъни, бу сўзнинг келиб чиқишига ўғилнинг отадан алоҳида, мустақил тарзда иш юритиши сабаб бўлган бўлиши керак.

БҮЙРА — Қамишдан тўқилган тўшамма маъносини англатган бу сўз "тозаланган қамиш" деган мазмунни билдиради.

Юрган — дарё, ўтирган — бўйра.

Мақол

ҚҮҒИРМОЧ — бу сўзнинг тилимизда "қовурмоч" шакли ҳам бор. "Қўғирмоч" — қовурилган бўғдой деган маънони билдиради.

"Наврўз кирарда... кўп жойда ўрик қайнатилди, қўғирмоч қовурилади".

Музейяна Алавия

ИТОЛФИ — Ўзбек тилининг этимологик луғатида изоҳланишича, бу сўз лоҷисимон йиртиқ қуш маъносини англатиб, аслида, у "итни ҳам чанғалига ололадиган" деган маънони билдиради.

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

"13-СТУДИЯ" ИЖОДИЙ ГУРУҲИ АЪСОЛАРИ:

Қаҳрамон АШУРОВ,
Дилдора МАРДИЕВА,
Мавлуда ТОШҲУЛАТОВА,
Насриддин АСРИДИНОВ,
Шаҳноза РОФИЕВА
(тахририят)

«СИЗ ЭРТАК АЙТМАЙСИЗ»

Курсдош дугонаминг танишиникига бордик. Тижорат билан шуғулланувчи аёлнинг уйида сал эскирган нарсанинг ўзи йўқ. Ҳамма нарса сўнгги русумда эди. Олдиндан безатилган стол атрофига ўтирдик. Қимматбаҳо жиҳозлардан кўз қамашади. Кетишга чоғланганимизда эшик кўнгираги жиринглаб қолди.

— Уф-ф, келишди, — осма соатга кўз ташлади уй бекаси.

ларни қалаб ташлади.

— Йўқ, ўзимники яхши, — қизча сумкачасини очиб ичига пахта солиб қўлда тикилган юмшоқ ўйинчоғини кўрсатиб мақтанди. — Опам тикиб бердилар худди эртақ китобдагидек.

— Вой буни қаранглар, шуни-я, — қизининг кўлидан ўйинчоғини юлқиб олиб оёқ-кўлчаларини юлиб-юлиб ташлади она. — Бир тийинга қиммат, уйда ҳеч вақоси бўлмагандан кейин мана бу исқирт латта-путталари билан боламини алдабди-

Бирпасда байрам бўлди-қолди. Иккиси қўйинига жойлашиб олиб, бири эртақ ўқиб беринг, дейди, бири айинча ясаб беринг, дейди. Уйга шошайтган бўлсам-да, уларни хурсанд қилгим келди! «Қизил шапкача»ни айта туриб, қизчани ва айқачани пластилинда ясаб бердим.

— Холажон, тез-тез келиб туринг, бизга яна китоб олиб келасизми? — чуғурлашди улар.

— Албатта олиб келаман, — дея хайрлашдим-у, болаларим учун яна китоб дўконига шош-

ри билан кичкинтойлар кучоғимга отилишди. Олдингидан анча хурсанд эдилар. Аналари ҳам саломлашгач, дастлаб негадир меҳмонхонага эмас, болалар хонасига бошлади. Киришим билан олдингидан бутунлай бошқача манзаранинг гувоҳи бўлдим — хонада хорижий қимматбаҳо ўйинчоқлар саноклигина, асосан қўлда тикилган қўғирчоғу эртақ қахрамонлари, рангли қоғозлардан қирқиб ясалган гуллар ва анчагина китоблар. Кутилмаган манзарадан шунчалар қувондимки...

— Ўз фарзандларимдан тириклай аҳралиб қолишимга бир баҳа қолган экан. Бойликнинг кетидан қувибман-у, ўз бағримдаги бойлигимни сақлашни, она-

НИГОХ

са едиргани олиб бораман. — Йўқ, менга китоб керак, — болакай йиғлаганча сўнгги умид билан ойиси томонга югуриб кетди...

— Шу ойисини гапига кириб неварамни боғча бердим-у, балого қолдим. Ҳали китоб дейди, ҳали қалам. Туппа-тузук кетимдан индамай эргашиб юради-я, ўз болаларимдан қутулдим десам, булари чиқиб турибди, — бувиси энди арз қила кетди. — Кексайганимда маза қилиб юрарман деб ўйловдим, бўлмади. Буниси китоб дейди, яна бири кечаси пинжимга кириб эртақ айтиб беринг, деб қўймайди.

— Эртақ айтиб берасизми? — сўрайман қизкиб.

— Зарил кептими, боламга айтмасдим-у, ана ўз онаси айтсин.

— Пенсиянгиз анчагинадир-а?

— 200 мингдан ошади.

— Набираларни роса сийлар экансиз-да?! Ҳайвонот боғи, театр, музей дегандик.

— Ман унақаларга умуман қизикмайман, — ёқимсиз қулди буви. — Ҳаммаси телевизорда бор-ку. Шунгайм пул сарфлаб зарил кептими? Ундан кўра ўртоқларим билан «гап» ўйнайман, ўн баробар бўлиб ўзимга қайтади.

— Неча сўмдан ўйнайсизлар?

— 100 мингдан. Ўн ойдан кейин қарабсизки, бир миллион бўлиб келади. Унга қимматроқ бир нарса оламан, ўзимга умрбод қолади. Пенсиямни майда-чуйда нарсаларга сарф қилгим келмайди-да. Рўзгорни ўғлимнинг ўзи бир амаллаб ўтказаверади, мани ишим йўқ.

Мана сизга етмишни уриб қўйган онахоннинг дунёқарашини! Аттанг, дегинг келади. Ахир, бизгача сайқалланиб, етиб келган ўзбек халқ озаки ижодининг энг ноёб дурдонаси бўлмиш ҳикматли мақоллар, афсонау ривоятлар бир вақтлар мана шу ёшдаги бувиларимиз томонидан ўйлаб тўқилмаганидир? Наҳот, набиралар ўз бувиларидан эртақ тинглашга, китоб ҳақда қилишларига шунчалар мушток бўлса?

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,

«Оила ва жамият» муҳбири

ҲАЁТ БОШҚА, КИТОБ БОШҚА (МИ?)!

Бунча ёқтирмайдигани ким экан, деб эшик очилиши билан ялт этиб қарадик — бир-биридан ширин, 3-5 ёшлардаги ўғил-қизчалар одмигина кийинган бир аёлнинг икки қўлида бўйнидан қучоқлаб йиғлашапти.

— Келинлар-чи, — дея уй эгаси қўл узатган эди болалар аёлга баттар ёпишди. Ҳайратимни тушунди, шекилли, курсдошим шипшиб қўйди:

— Ўзининг болалари.

— Ие, бу қанақаси бўлди, болалар ўз онасига қелмаса, унда у ким? — сўрадим сабрсизлик билан.

— Энагаси. Опа ишга, тижорат сафарига кетганда болаларга шу аёл қарайди, — изоҳ берди дугонам.

Она аввал ялинди, натижа бўлмагач, уриша кетди:

— Кир уйга деяпман, сенларга!

— Йўқ, опамга бораман, опам билан ухлайман, сиз эртақ айтмайсиз, — унамади улар.

— Энди ёлгон эртақни айтишим қолувди, — дея болаларни юлқиб олди-да, энагага хайр-хўш ҳам демай эшикни ёпиб қўйди. Энди кўринг кичкинтойларнинг чинқиришларини. Бизнинг олдимизда уришишдан ўзини тийди, шекилли, ҳали шоколад, ҳали пултли машина, ҳали қўшиқ айтадиган қўғирчоқ-



да, — жаҳл қилди аёл.

Қизча бурдаланган ўйинчоғининг митти аъзоларини йиғлаб-йиғлаб терди. Уларни тўглаб нобуд бўлган қахрамончасига қараб ўқиб-ўқиб йиғлади. Бирдан болаларимни боғчага қўя туриб, тўнғичимга ваъда қилганим ва боғчага йўл-йўлақай дўқондан сотиб олганим «Қизил шапкача» рангли суратли китоб эсимга тушиди-да, шартта олиб қизчага узатдим.

— Вой, сиз ҳам эртақчимисиз, бунча чиройли китоб, — йиғидан шартта тўхтади у.

— Мана бу сенга, — кичкинамага олган пластилинни ўғлига узатдим.

дид. Уч-тўрт ой ўтиб, нотаниш рақамдан кўнгироқ бўлди. Сал таниш овоз:

— Синглим, мен фалончман, — эсладим, бу ўша тижоратчи аёл. — Илтмос, бизни-кига бир келиб кетинг. Катта «сюрприз» бор, илтмос. Болалар ҳам сизни куттишапти. Албатта келинг, хўп, бугун кутаман.

Аёлнинг маънавиятсизлиги дабдабаси менга ёқмас-да, болажонларни кўргим келди. Китоб дўконидан уч-тўрт эртақ китоб ва рангли қалам, ҳайвонлар сурати туширилган карточкалар харид қилдим. Мени кўриш-

лик вазифамни унутиб қўйган эканман. Уларга эртақ, алла ва оналик меҳридан бошқаси керак эмас экан. Мана, ишимни, хорижга тижорат сафарларини ҳам йиғиштирдим, хўжайинимнинг топганига барака берсин. Болаларим боғчага бориб келишяпти...

«БУВИЖОН, БИТТАГИНА КИТОБ ОЛИБ БЕРИНГ»

— Катта ойи, пенсиянгиздан менга чиройли эртақ китоб олиб беринг. Эртақлари, расмлари кўп бўлсин, худди боғчамиздагидек, — набира икки қўлини параллел қўйиб бувисига кўрсатди.

— Пенсиям ўзимга керак, ана дадангга айт, ўзи олиб берсин. — Дадам бўвингга айт, дедилар.

— «Йўқ» дедим-ку! Ўзи эртанги «Гап»ни қандай ўтказаман десам, бу эса...

Набира сўнгги дўқдан кўрқиб нарида машинасини тузатиб турган бобосига борди:

— Бобожон, илтмос, менга катта эртақ китоб олиб беринг, худди боғчамиздагидек, мана бундоқ, — яна қўлини китоб қилди. Бобо набирасининг қўлига қарамади ҳам.

— Китобни нима қиласан, эртага мен сени зўр «заказ» сом-

ОТАЛАРНИНГ ҚАҲРИ ҚАТТИҚМИ?

«Ота ва қиз» — 28 сон

Ушбу мақолани ўқиб, мен ҳам меҳрибон дадажонимни, ёшлик йилларимни эсладим. Ҳақиқатан ҳам, оталар фарзандларига, ўғилу қизига бирдек меҳрибондир. Оталар — оила сунъачи, таянчи, таъминотчиси, гамхўри ва барча ишларнинг устида турувчи сарбони. Уларнинг характер хусусиятлари ҳар хил бўлса ҳам меҳри бир хил, менимча.

Ўтмишда оталар қиз болалар билан кам гаплашган. Қизга айтмоқчи бўлган гапларини оналар орқали айтишган. Уришмоқчи, танбех бермоқчи бўлишса ҳам ёки қизларига бирон айб топишса ҳам оналарни қойишган. Баъзи оилаларда ҳозир ҳам бу тартиб сақланиб келмоқда. «Қизингга айт, қизингга буюр» каби сўзлар қулгошимизга қалинб туради.

Менинг битта қизим бор, уни бирор марта отаси билан ҳазил-хузул қилиб гаплашганини, отаси олдида овозини кўтарганини, қўлини кўтариб рақсга тушганини кўрмадим. Ҳар доим бирон нарсадан кўнглим тўлмаса, отанга айтиб бераман, деб нўписа қилардим, бу тўғрими-йўқми, билмадим, кўпчиликл оилада шундай. Худдо шукр, қиз невараларим бир нечта, кўз олдимда тарбияланган ўсяпти. Баъзан уларни кўриб, ҳавасим ҳам, ҳасадим

ҳам келади. Дадалари билан жуда иноқ, хоҳлаган пайтида эркалик қилади, бирор нарса керак бўлса, бозорга бориб, сотиб олдиради. Ўғлим ҳам қизларини «маликам», «эркатойим», «гўзалим», «асалим», деб эркалайди. Истаган нарсасини муҳайё этишга ҳаракат қилади, сайрларга олиб боради. Мен ёшлигимда раҳматли дадам билан бунақа очилиб-сочилиб гаплашмаганман. Биринчи марта дадам мени ўқишдан таътилга келганимда қучоқлаб, пешонамдан ўпган (узоқ жойда ўқиганман). Ушанда жуда ҳаяжонлидм, кўнглим тўлиб кетганидан йиғлаб юборган эдим. Лекин ҳаммиша ҳам ошқора бўлавермаган меҳр баъзан ўзини намоён қилиши табиийдир. Никоҳ тўйимда мени узатишайтганда, кўшимзининг «Волга» машинасига (ўша вақтда энг олди машина эди) ўтқазилди. Қизга отаси фотиҳа берадиган жойида раҳматли даданинг кўз ёшлари тинмас, кўчанинг бошигача фотиҳа бериб, дуо қилиб боргани ҳали ҳам кўз олдимдан кетмайди. Келин бўлиб тушган хонадоним уйимизга яқин жойда эди. Ҳар яқсанба кун дадам бизни (куёви билан) укаларимга қақиртириб юбордилар, ошни бизсиз емасдилар. Энди бўлсам, мени соғинар эканлар, янги уйга ўрганиб кетган-

микан, деб кайфиятимни билмоқчи бўларканлар. Мен ҳам ўз навбатда ишга яраб қолганимданок дадамга яхши қарадим, уст-бошини кир қилмадим, овқати, нончойини вақтида қилдим. Лекин қиз боланинг юрагига ҳаммиша бир армон сақланиб қолса керак. Бу ҳам бўлса, ота-онасининг умрининг охиригача даими меҳр кўрсата олмагани. Чунки қиз бола бировнинг хасми, бировнинг измида бўлиб, хоҳлаган пайтида ота-онасини бориб кўриб келолмайди, хизматини қилолмайди.

Ўзбек миллатининг ажойиб қадриятлари, урф-одатлари, қонун-қоидалари борки, уларни ҳаммиша улуғлаш ва оила тарбиясида қўллаш керак, деб ўйлайман. Ота ва қиз ўртасидаги меҳр қанчалик илиқ бўлмасин, қиз бола отаси олдида очқосчиқ юрмаслиги, бадани бўрттириб турадиган бачкана кийим, тор шим киймаслиги, қаттиқ овозда гапирмаслиги, хоҳлаб қулмаслиги, ҳар хил гапларни гапиравермаслиги, бўлар-бўлмас нарсаларни талаб қилмаслиги лозим. Эркалик ҳам эви билан, дейди халқимиз. Эркаликни танглик, инжиқликка айлантириб юбормаслигимиз, ҳаё ва ибодан узоқлашмаслигимиз керак. Мени замондан орқада қолган дейишингиз мумкин. Лекин за-

МУНОСАБАТ

мон бу — сиз, бу — биз. Ҳамма замонларда ҳам ҳар бир миллат ўз қадриятларини, урф-одатларини сақлаган, қонун-қоидаларига итоат қилган. Шу тўғрйли бу аждодлар мероси бизгача етиб келган. Биз уни улуғламасақ, кейинги авлодларимизга етказолмаслиги, уларнинг баркамоллигини таъминлай олмаймиз. Ота бу — ор-номус, ота бу — виждон, улар қизларига ёмонлик исташмайди. Ота рози — худо рози, деганлари рост.

Шунинг учун азиз ва суюкли қизларим, неваражонларимга айтар гапим шуки, ота-она бағридалингизда бекамму кўст хизматини қилинг, атрофидда парвона бўлинг. Эътибор ва гамхўрлик кўрсатинг. Кўнглини оғритмасликка, гапини икки қилмасликка интилинг, кейинчалик ўзингизга армон бўлмасин. Қиз бола кўпроқ отасига меҳрибон бўлади, дейишди. Отангизга яқинроқ бўлинг, у сизни жонидан ортиқ кўради, бунинг ўзингиз ҳам она бўлганда, отангиздан узоқда бўлганингизда биласиз. Илоё, ҳеч вақт ҳеч кимни ота дийдоридан, ота меҳридан айирмасин. Оила устунлари — оталаримиз омон бўлсин!

Зухраҳон РЎЗМЕТОВА,
Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси ахборот хизмати ходими.

✓ МАВСУМ МУАММОСИ

Куёш ёруғлигида ультрабинафша нурлар билан бирга кўринувчи нурлар ва ультра кизил нурлар ҳам мавжуд. Уларнинг биргалашиб таъсир этиши натижасида бадан текис қорайиб, ҳаддан ташқари иссиқликнинг зарари таъсириндан сақлайди. Офтобда узоқ ётилганда нафақат бадан қораяди, айтилган вақтда одамни иссиқ элтиши ва офтоб уриши, тери куйиб, организм зарарланиши ҳам кузатилиши мумкин.

ган кишилар офтобдан эҳтиёт бўлишлари керак. Организм қизиши оқибатида сув ва минерал тузларнинг йўқотилиши, қоннинг қуюлиши, пировардида кислотадан етишмовчилиги содир бўлади. Оғир ҳолларда эса муҳим ҳаётий марказларнинг, тизимларнинг фалаж бўлиши, ҳатто ўлимга олиб келиши ҳам мумкин.

Офтоб уришининг бирламчи белгиларида киши бўшадади, боши оғрийди, дармонсизлик, тер ажралиши кучаяди, тана

яланг юриш, жисмоний толиқиш, кўп спиртли ва бошқа ичимликлар ичиш, ортиқча оҳват ёйиш ҳам сабаб бўлиши оқибатланган.

4. Иссиқ кунларда эрталаб соат 8-9 дан 10-11 гача офтобда камроқ ётиш лозим. Бу вақтда ҳаво тоза бўлиб, иссиқлик нурлари озроқ, ультрабинафша нурлар эса кўпроқ бўлади.

5. Нонушта ёки тушки оҳватдан 1-1,5 соат вақт ўтгачи на офтобда қорайиш мумкин. Бошга шляпа кийиш ёки рўмол ўраб олиш, кўзга эса рангли кўзойнак тақиш лозим.

6. Офтобда биринчи марта

ОФТОБДА ТОБЛАНИШ ЯХШИ, АММО...

Бадани яхши қораймаётган киши дарров қизиб кетади. Агар организмнинг офтоб нурига сезгирлиги юқори бўлса, тезда тананинг очик ерларида — юз, қўл ва бўйинда тошмалар пайдо бўлади, яъни фотодерматоз хасталиги бошланади. «Офтоб ёқмайдиган» бундай кишиларнинг ёз фаслида санатория-курортларда дам олиши мақсадга мувофиқ эмас. Шунингдек, уларга спиртли ичимликлар, тамаки, нос, аччиқ чой, кофе, какао истеъмол қилиш ҳам ёқмайди. Касалликка чалинган кезлари офтобга чиқмай, кўпроқ қоронғу хонада бўлганлари маъқул.

Болалар, қариялар, семиз кишилар, юрак қон-томир, асаб ва эндокрин касалликлари билан оғриган беморлар қизиб кетишга мойил бўлади. Офтобда меъридан ортиқ ётиш натижасида эски касалликлар зўриқиши, юрак қон-томир тизими ва меъда-ичаклар фаолияти бузилиши, уйқусизлик, асабийлашиш ва бошқа салбий ҳолатлар кузатилиши мумкин. Мадамки, шундай экан, офтобда қорайишга қарор қилишдан олдин шифокор билан маслаҳатлашиш керак. Рак, ўпка сили, атеросклероз, гипертония, юрак ва асаб тизимининг касалликлари, бўқоқ, қандли диабет ва бошқа бир қанча хасталикларга чалин-

ҳарорати 38°C гача кўтарилиши, юрак минутага 90–100 мартагача уриши мумкин. Касалликнинг оғир шаклида эса бош қаттиқ оғриб, кўнгил айниди, баъзан бемор хушидан кетади, кўп терлаб, ҳарорат 41–42°C гача кўтарилади. Бундай ҳолларда хаста кишига зудлик билан тиббий ёрдам кўрсатилиши лозим.

Шундай экан, офтобда товланишга енгил-елли қарамаслик зарур. Бунда қуйидаги тавсияларга риоя этиш зарар қилмайди:

1. Уч ёшгача бўлган болаларни офтобда товланмаслик лозим.
2. Иссиқ кунларда ҳаво ўтказмайдиган кийим кийиб юриш керак эмас.
3. Офтоб уришига бош

5 минутдан ортиқ ётиш ярамайди. Кейинги кунларда 3-5 минутдан узайтириб борилиши керак. Офтобда узоқ ётилидиган бўлса, ҳар 15-20 минутда сояга ўтиб дам олган маъқул.

7. Офтобда қорайгандан кейин бироз соя жойда дам олиб, кейин чўмилиш, душга тушиш ёки нам сочик билан артиниш тавсия этилади.

8. Офтоб урган ёки иссиқ элитган кишини дарҳол тоза ҳавога олиб чиқиб, сояга ўтказиш, танасини сиқиб турган

кийимларини ечиб, елпигич билан елпиш, баданини совитиш, бошини совуқ сув билан намлаш керак. Унга кўпроқ суяклик — туз қўшилган совуқ сув, яхна чой ва кофе ичириш лозим.

9. Офтобда куйган жойни спирт ва ўсимлик мойи билан эмас, мойчечак, яллиз ва лимон ўт қайнатмаси музи билан артиш тавсия этилади.

10. Куйган жойларга алоэ, ошқовоқ, зуботурум шарбатларидан компресс қилиб туриш фойдали.

Юқоридаги маслаҳатларга амал қилинсагина, офтоб уришининг олдини олган ва ўз соғлигини бекам куёт сақлаб қолган бўласиз.

Сафар МУҲАММАДИЕВ,
доцент



Абу Али ибн Сино СЕРМОЙ ОВҚАТЛАРНИНГ ЗАРАРИ

Сермой овқат меъдани, хусусан, унинг оғзини заифлаштиради, майда тешикчаларни тўсади ва физиони ўтишга қўймайди. Шуниси ҳам борки, у яхши озиқлантиради.

Зарарининг тадоруки. Беҳи каби сувни териб буриштирувчилар, сирка ва сиканжубин каби парчалоқлар тановул қилинса, уни тезда тушириб юборишга ёрдам беради. Сўнг асал суви ва доривор сиканжубин ёрдамида ҳайдашда давом этиш ёки пишлоқ, гўра узум ҳамда беҳи ёйиш лозим.

ТАОМ УСТИГА ТАОМ ТИҚИШТИРИШ

Бу уч ваҳдан зарар қилади. Унинг дастлабкиси шуки, қувват биринчи овқатдан бўшамасдан туриб иккинчи овқат уни (ишлашга) мажбур қилади, натижада, уни ҳам ҳазм қилади. Бу ҳол эса (қувватнинг) заифлашуви сабаб бўлади.




Иккинчиси, ҳазм бўлган (овқат) ҳазм бўлмагани билан аралашади ва шу ҳолда томирларга ўтади ва, натижада, тикималарни вужудга келтиради. Учинчиси, келсак, ҳазм бўлган (овқат) ҳазм бўлмагани билан аралашади ва у билан бирга тўхтаб қолади; ҳазм бўлар экан, у билан (томирларга) ўтиб кетишга интилади. Узоқ туриб қолиши ва туриб қолишининг табиий зарур (вақт)дан ортиқ бўлиши туфайли сасийди.

Унинг тадоруки. Албатта, қушиш, йўқса иччи суришдир. Сўнг юқорида эслатилган ёрдамида ҳайдаш ва ювиш керак. Сўнг ўша (таом) ортидан узоқ очлик ва кўп уйқу ҳамда ўша уйқу ортидан бадантарбия қилиш зарур.

✓ МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

ЖАРОҲАТНИНГ ЖАБРИ ЁМОН



DOCTOR-D клиникаси раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди Дилмурод ЭМЗОЕВ

Авалдан айтиб кўяйлик, оиласида ўғил ўстираётган ота-оналарга маслаҳатим: фарзандларининг мояқларини турли жароҳатлардан қатъий асрашлари зарур. Ҳар хил уйинлар, спорт машғулоти, айниқса, футбол ўйнаётганда жинсий аъзоларга етган жароҳат, шеригининг билмай тепиб юбориши ёки тўп тегиб кетиши кабилар жуда ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундай жароҳатлар жинсий аъзоларга қон қуйилишига олиб келади. Яра битар экан, ўринда кавшар, тўмтоқ чандиқлар ва тўсиқлар пайдо бўлиб, вақти келган, улар сперматозоидларнинг ривожланишига ва ҳаракатига ҳалақит беради.

Бола нафақат тепки ёки қаттиқ урилганда, балки баскетбол, волейбол, теннис уйинлари пайтида ҳам жароҳат олиши мумкин. Кескин ҳаракат қилганда ёки бирдан бурилганда мояқларнинг халтачага тушадиган йўли ёнида жойлашган, ана шу мояқни турли моддалар билан таъминлаб туривчи қон томирлари қаттиқ буралиб қолиш эҳтимоли мавжуд. Бу буралиш содир бўлганда мояқлар қаттиқ оғрийди, қизариб шишиб кетади, ҳарорат кўтарилади. Агар ўз вақтида жароҳ ёки мутахассис урологга муружаат қилинмаса, қон ва бошқа зарур моддалар етиб бормаслиги оқибатида уларнинг фаолияти мутлақо тўхтаб қолиши ҳам ҳеч гап эмас.

Эҳтиётсизлик оқибатида жинсий олат ҳам жароҳат олиши мумкин ва оқибатда, унинг

танасидан ўтган қон томирлари-га зарар етади. Узилган, жароҳат олган қон томирлари ва бошқа найчаларнинг яраси битар экан, унинг ўрнида чандиқ қолади, эрекция вақтида бошқа томирга қон олмайд.

Натижада, олат ана шу жойидан қийшайиб қолиши мумкин. Агар қийшайиш сезиларли бўлса, у жинсий фаолиятдан бутунлай маҳрум бўлади. Бундай қусурларни урологлар жароҳатли йўли билан тузатиб юборишлари мумкин, лекин булар ўта хавфли ва доим ҳам ёрдам беравермайдиган чоралардир. Шунинг учун яна такрор айтаман: ўғил болалар эртанги зурёдларни дунёга келтиришда бевосита асосий халқа воситасини бажарилиши эътиборга олиб, уларни жиддий назорат қилайлик.

Бу борада бизнинг "DOCTOR-D" ихтисослаштирилган клиникамизда керакли муолажалар, тиббий ёрдамлар кўрсатилади (тел: +99871-113-00-57).
E-mail: hospital@doctord.uz.
URL: <http://www.doctord.uz>

(t)

✓ ОГОҲ БЎЛИНГ! ТОЗАЛИКДАН "ҚЎРҚАДИГАН" КАСАЛЛИК

Ўлкамизда ёз, айтилганда даври. Бозор расталаридаги хилма-хил меваларни ювмасдан туриб мазасини татиб кўрамиз. Уларнинг санитария-гигиена ҳолати, шунингдек, лаборатория таҳлиллари билан қизиқмаймиз. Натижада, ўткир юқумли ичак касалликларига чалиниб қолишимиз ҳеч гап эмас.

Ўткир юқумли ичак касалликларига қорин тифи, сальмонеллез, ич-буруғ, рота вирусли гастроэнтерит ва бошқа бир қатор касалликлар қиради. Бу касалликлар йилнинг иссиқ кунларида кўпроқ кузатилиб, касалликларни ташқи муҳитга анча чидамлай бўлган бактерия ва вируслар кўзга тади.

Хусусан, қорин тифини кўзгатувчи микроблар оқар сувда, сабзавот ва меваларда 5 кундан 10 кунгача, қўлмақ сувларда 1 ойгача, нон ва нон маҳсулотлари юзасида 50 кунгача тирик сақланади. Сальмонеллез касаллигини кўзгатувчи микроблар эса озиқ-овқат маҳсулотларида кўпайиши мумкин.

Ичибуруғ касаллиги билан оғриган беморларнинг 1 г ахлатида 1 миллионгача, қорин тифи билан оғриган беморларда эса 10 миллион донагача касаллиқ тарқатувчи бактериялар бўлиши мумкин. Уларнинг юқиш йўллари бир-бирига ўхшаш бўлса-да, аслида, турличадир.

Қорин тифи касалликларида етакчи юқиш омилли сув ҳисобланса, ичибуруғ ва сальмонеллез озиқ-овқат маҳсулотлари орқали кўпроқ тарқалади. Ўткир юқумли ичак касалликлари маиший мулоқот йўли билан ҳам юқади.

Иссиқ кунларда сув, ҳар хил чанқоқбосди ичимликлар кўп ичилади, полиз, мева-сабзавот, кўкатлар истеъмол қилишга эҳтиёт ортиди, очик сув ҳавзаларида тез-тез чўмилинади. Шу жараёнларда касалликни юқтириб олиш осонлашади.

Сальмонеллезда яширин давр 6 соатдан 2 кунгача. Ичибуруғ 2 кундан 7 кунгача, қорин тифида 7 кундан 21 кунгача давом этади. Аксарият ўткир юқумли ичак касалликларига чалинган беморларда ҳолсизлик, кўнгил айниши, қушиш, ичнинг суяк кетиши, тана ҳароратининг кўтарилиши каби аломатлар кузатилади. Беморларга ўз вақтида тегишли тиббий ёрдам кўрсатилмаса, ошқозон фаолиятининг бузилиши, ичакдаги яралардан қон кетиши, ичак деворлари тешилиши сингари бир қатор асоратлар қолиши эҳтимоли бор.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, ободонлаштириш, умумий овқатланиш ҳолатлари ва тозалликка риоя қилиш касалликнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Умрбек МИРЗАЕВ,
олий тоифали врач эпидемиолог

КЎРГУЛИКЛАР БЕСАБАБ ЭМАС

...Дам олиш куни бўлгани учун хотиним: "Дадаси, болаларга кўз-қулоқ бўлиб туринг, мен тўйга чиқиб келай. Тагин, келмади, деб гапириб-нетиб юрмасин", деб қолди. "Уғиллар қолсаям, қизингни етаклаб ол; ахир, бешик тўй бўлса", деса-да, у қўл силтаб: "Э, кўйинг, шу бола етаклаб юришни ўлгудай ёмон кўраман. Бир ўрганса, кейин ҳар гал кўчага отланганимда илашиб олаверади", деди-да, ясан-тусанини қилиб кетворди.

Онаси бўлмаса болалар ҳам уйга киргиси келмас экан. Уйнагани кўчага чиқиб кетиши. Бироз қузатиб турдим, кўшни болалар билан бирга экан. Хавотирсиз томорқадаги ул-бул ишларни бажардим, ўтин ёрди, ариқларни тозаладим. Терлаб кетганим учун ювингим келди ва айвонда осиглиқ турган электр қайнатични темир столнинг устида қатор турган челақлардан бирига тикиб, токка уладим. Исигунча бирпас телевизор кўриб турай, деб уйга кириб ёнбошладим. Телевизордан таралаётган кўйдан кўзим илиниб қолган эканми, қизчам югуриб келиб "Дада, чанқадим, сув беринг", деб қолди. Чунки аёлим қайнатилмаган сувни ичишни бот-бот таққилагани боис болалар ҳам шунга одатланган, шунинг учун қизим мендан қайнатилган сув сўраётган эди. Шири уйқумдан кечиб, туришга эриндимми ё гафлат босдимми, билмайман "Ана, челақлардаги сувдан ичавер", дедим. Қизим бирпас менга қараб турди-да, секин чиқиб кетди. Бошимни ёстиққа қайта қўйишим биланоқ сувни иситишга қўйганим эсимга тушди-ю, сакраб турдим. Югуриб чиқсам...

Кизалоғим кўлчалари билан челақни ушлаб, оғзини сувга тутганча жонсиз қотиб ётарди... Уша машъум воқеадан сўнг кечалари тўлғониб чиқаман, ҳаловатим йўқ. Аёлим дод солиб, кимга ёмонлик қилувдик биз, ахир, чумолига ҳам озор бермаган эдик-ку, деб зор-зор йиғлайди. Мени эса бошқа бир азоб қийнар эди...

Тушимга ўн беш йиллар олдин рўй берган бир дахшатли воқеа бот-бот кираверди. Айни ерга урса кўкка салчийдиган ёшда эдим ўшанда. Бир куни ўртоқларим билан тоққа дам

олиш учун йўлга чиқдик. Манзил ҳам анча узоқ эди. Тинмай ёмғир ёғаётганди. Бирпасда шом тушиб қолди. Тоғ ёнбағридаги қишлоқдан ўтаётсак, йўл четида узилиб тушган электр симларига кўзим тушди. Яқинроқ борсак, ҳалиги жойда бир киши юзтубан бўлиб ётарди. Иккиланиб қолдим. Маст-аластмикан ё ток урган бўлса-чи? Биров у деди, биров бу, кимдир одамлар келиб қолар балки, кетдик, деди, хуллас, яқин боришга менинг ҳам юрагим бетламади. Унинг эса оёқлари ўша пайтдаям типирчиларди. "Э", дедим-у, кетвордим. Қоронғуда айтилган манзилга етиб бордим. Мехмондорчилик авжига чиққанда... бизларни кутиб олган меъзон йигитни кимдир чақириб қолди.

Хомуш қайтиб келган меъзон шу қишлоқлик монтернинг тўсатдан ток уриб, вафот этганини айтганида юрагимдан бир нарса узулиб кетди!..

Бу фожеа ҳақида ҳеч кимга, ҳатто аёлимга ҳам айтолмадим. Лекин ўша дахшатли манзара неча ўн йиллар кўз олдимдан кетмади. Кейин эса... ёлғизгина кизалоғимдан айрилиб қолдим.

**БОТИР, 40 ёш.
Қақшадарё вилояти**

ҚАЙТАР ДУНЁ



ЖАЗОДАН ҚУТУЛДИМ ДЕМАНГ!

Уйимиз балконида кечки овқатга уйнаётгандим. Кўча тарафдан машинанинг кескин тормоз берилган овозини эшитиб, деразадан ташқарига қарасам, бир зумда катта кўчада тумонат одам йиғилибди. Демак, бирон кўнгилсиз ҳодиса рўй берган. Кўп ўтмади, турмуш ўртоғим хомуш ҳолатда кириб келди. У кишининг айтишича, учинчи қаватда турадиган 56 ёшли Салима хола кўчанинг у томонидан бу тарафга ўтаётса, бир "Матиз" автомашинаси туртиб юборибди. Бечорани уриб кетгани етмагандек, ҳалиги қойдабузар хайдовчи тўхтаб, ёрдан кўрсатиш ўрнига қочиб кетибди.

Салима опа яқиндагина иккинчи ўғлини уйлантириш учун тўй тарадудда юрган эди. Уша куни, яъни жорий йилнинг 7 июль — чоршанба куни сотиш учун олиб чиққан юкларини йиғиштириб, сумкасига жойлаган Салима хола ва қизи Шоҳиста Учтепа туманидаги 26-мавзедан 24-мавзегача кесиб ўтлайдиган эски "Москва кафеси" бекатига яқин йўлдан ўтишаётганда... Орқароқда қолган Салима хола уни ўқдай учиб келган "Матиз" ёнидан ке-

либ уриб юборгану, кетиб қолган. Биринчи қадамча олдинда кетаётган қизи эса қўрқиб кетганидан ҳалиги машинанинг давлат рақамини ҳам эслаб қоллолмабди. Фақат унинг тўх хаво ранг-далигини англаб қолган, холос.

Шу воқеага гувоҳ бўлган одамлар, етиб келган фарзандлари тезликда беҳуш ётган Салима холаи касалхонага олиб боришди. Шифокорларнинг сазй-ҳаракатлари туфайли бу муштипар аёлнинг ҳаёти сақланиб қолинди. Бироқ қаттиқ урилган зарб туфайли боши шикастланибди, чап қўли ҳам бир неча жойидан синган экан. Ўзлари ҳозир ҳам тўшақда ётибди. Албатта, ЙПХ ходимлари, тегишли идоралар ноинсоф хайдовчини излаб топши чораларини ҳам кўришяпти.

Ўйлаб кўринг энди, Салима холаининг ўрнида ўша калтабин хайдовчининг ўз онаси ёки жигарғўшаси бўлиши ҳам мумкин-ку! Ахир, бировнинг ҳаётини хавф остига қўйиб, яна кўмак беришни ўзига эп кўрмаган одам эртага бу қилмиши билан ўзини Оллоҳнинг дахшатли жазосига гирифторман эътиганини англаб етармикан?

Тўғрилиқ шундай бир улғу бойликдир-ки, унинг турган-битгани хайр ва наф-дир, ана шу наф-фойда туфайли одамнинг ҳаловати ҳам мангу бўлади.

Юсуф Хос ҲОЖИБ

Тўхтасин ота хонтахта ёнида унсиз кўз ёш тўкаётган кампир Рисолат бувига қараб, ич-ичидан зил кетди. Бечорага қийин бўлди, ўз фарзандларининг ногиронлиги етмагандек, катта набираси ҳам халқум тилсиз тугилса бўладими? "Э, Худо, бу қандай кўргулик бўлди? Қайси гуноҳларим учун, мени жазоладинг?" деб йиғларди у зор қақшаб.

Бир куни шифтга термулиб ётганида

Ташқарида шамол довулдек увиллайди. Нима қилиш керак? Қарз қиёматга эмас, эртагача белгиланган. Тўсатдан хаёлига келган режани қандай амалга оширишни ўйлади. Қўшниси Хайдарнинг боқиб ётган сал кам бир тонналик новвоси бор, шуни ўғирлаб, қиморбозларга ипини тутқазди. Қолганини нима қилишса, ўзлари билди. Фақат боқувдаги ҳўкизни қандай олиб чиқади, яна бир томони, ҳар қандай хайвон қассоб

ҚАРҒИШ УРАР ЭКАН...

ёғочга қистирилган қассоблик пичоғига кўзи тушди-ю, юраги орқасига тортиб кетди — чакмоқдек ялт этиб, бошидан кечган машъум воқеа эсига тушди...

Ярим тун... Қишлоқ қабристонини ёнидаги чойхонада уч-тўрт қиморбоз ошиқ

деганини ўн беш метр масофадан ҳам сезади. Уни кўрганидаёқ уч марта "ҳимм"лайди. Биринчиси — ҳадик, иккинчиси — депсиниб, пешоб ҳайдаш, учинчиси — сўйил кўрганда қаттиқ наъра тортади...

Вақт ўтапти, шошилмаса, тамом, эртага шарманда бўлади. Қўлидан қон ҳиди келаётган "қахрамон" мол наъра тортса, ҳаммаси чиппака чиқишидан чўчирди. Ҳа деганда, икки томонга тангиб тортилган боқувдаги зотли новвос бегонасираб, "ҳим-ҳим"лаб типирчилади. Аслида, мол қон хиди келиб турган қўлдан сесканди. Депсинди... Чорасиз... У бир томондаги арқонга пичоқ урди. Иккинчи бор "ҳим"лаганда, шартта жағига қўл солди-да, унинг тилини кесиб, сумкасига урди. Иккинчи арқонни ҳам кесди-да, новвосни етаклаб чиқиб кетди. Тўхтасиннинг баҳайбат ҳўкизни етаклаб келганини кўрган қаззобларнинг кўзлари ўйнаб кетди ва тонг қоронғусида бозорга жўнаб кетишди...

...Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, бу дахшатли воқеанинг рўй берганига роппа-роса қирқ йил бўлди. Аммо ана шу ўтган йиллар орасида Тўхтасин қассоб қанча пул топмасин, бойиб кетмади, қосаси оқармади. Бирини икки бўлмай охири қассобчиликни ҳам ташлади. Хотини Рисолатдан беш ўғил, икки қиз кўрди. Лекин Яратганининг ҳукмини қарангки, ҳамма фарзанди кар ё соқов, гунг бўлиб тугилди!.. Уларни бир амаллаб вояга етказди, уйлади, жойлади. Аммо... охири оқибат, катта набираларидан бири ҳам забонсиз тугилганига не дейсиз? Қилмиш-қидирмиш деганларини балки шудир?

**Насриддин МЎМИНОВ,
Фаргона вилояти
Учкўприк тумани**

ТАХРИРИЯТДАН:


Аксариятимиз бу дунёнинг беш кунлик, ўткнчи эканини кўп такрорлаймиз ва илжои борица бир-биримизга яхшилик қилгимиз келлади. Бундай хайрли ишларга гоҳи улгурамиз, гоҳида эса...

Биз бугун ҳикоя қилган воқеаларнинг ҳаммаси ҳаётда рўй берган, кимдир ўзининг йўл қўйган хатоси учун энди пушаймон бўлаётган бўлса, яна биров армон билан ўтган кунларини маҳзун хотиралар ила эслаётир. Биаламиз, бугун орамизда кимдир бировнинг кўнглини осмон қадар кўтаришга арзигулик яхшилик қилган, яна кимдир қалбини титроққа солгулик ёмонликка қўл урган. Лекин унутмайлик, азизлар, буни ҳаёт дейдилар, ҳеч бир эзгулик, хайрли амалларимиз ва аксинча... ўзимиз кўра-била туриб йўл қўйган хатолик, қилинган жабру жафо, ёмонлик ҳам жавобсиз қолмайди. Бу рад этиб бўлмас ҳақиқатдир.

Муҳтарам юртдошлар!

Сизнинг ҳам бошингиздан ана шундай — бошқаларга сабоқ бўлгулик воқеа-ҳодисалар ўтган бўлса тахририятга ёзиб юборишингизни ёки кўнғирок қилишингизни сўраймиз.

ДУШАНБА 26




06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.10 «Икки тақдир». Т/с
07.50 «Тонгги наволар».

17.15 «Одил суд».
18.15 «Эмгир симфония-си». Т/с.
18.55 «Менинг оилам».



06.00 «Салом, ёшлар!»
06.40 «Яшаш сирлари».

СЕШАНБА 27




06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.10 «Икки тақдир». Т/с
8.00 «Ахборот».

17.00 «Ахборот».
17.15 «Қонун ҳумоясида».



06.00 «Салом, ёшлар!»
06.40 «Яшаш сирлари».

ЧОРШАНБА 28




06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.10 «Икки тақдир». Т/с
07.50 «Тонгги наволар».

17.35 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».



06.00 «Салом, ёшлар!»
06.40 «Яшаш сирлари».

ПАЙШАНБА 29



06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.10 «Икки тақдир». Т/с
8.00 «Ахборот».

13.00 «Ҳаёт жилгалари».
13.30 «Қундуз амакининг ҳижоляри». М/с.

12.40 «XXI аср технологиялари».
13.00 «Зулфия издошлари».

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.20 Тошкент тароналари.

22.10 «Мистер простофиля».
00.00 «Пойтахт». /рус/.

10.40 «Сохрили тош». Т/с.
11.10 «Салом, ёшлар!».

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.20 Тошкент тароналари.

20.45 «Инсон матонати». Т/с.
21.15 Тошкент тароналари.

13.00 «Давр».
13.10 «Ёшлар нуҳуштаси».

8.40 «Эсмеральда». Т/с
9.10 «Ҳаёт фалсафаси».

21.30 «Пойтахт». /рус/.
22.05 «Интервью». /рус/.

13.00 «Ҳаёт жилгалари».
13.30 «Қундуз амакининг ҳижоляри».

06.00 «Салом, ёшлар!»
06.40 «Яшаш сирлари».

11.50 «Пуаро». Т/с.
12.40 «Соғлиқ - бойлик».

19.05 Енгил атлетика.
20.05 Формула - 1.
21.45 ХАБАРЛАР.

09.30 «25-кадр»
10.00 «Янги авлод».

21.00 «БРЕЙН - РИНГ».
22.05 Мавсумнинг энг яхши ўйинлари.

09.30 «Муסיкий лаҳзалар»
10.00 «Янги авлод».

21.45 ХАБАРЛАР.
22.05 Мавсумнинг энг яхши ўйинлари.

08.00 «Йўқотилган йиллар» т/с
09.30 «Муסיкий лаҳзалар»

19.30 «Кумуш». Т/с.
20.20 «Оқ булсини».

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 «Карвонсарой».

15.00 «Пойтахт». 15.15 «Эсмеральда». Т/с. 15.55 М/ф: «Дугоналар».

20.45 «Инсон матонати». Т/с. 21.15 Тошкент тароналари. 21.30 «Пойтахт». /рус/.

Чемпионати. «Бунёдкор» - «Насаф». 11.05 Формула - 1. 12.40 Жаҳон спорти юлдузлари - Зидан: «Ширин тушдек умр».

19.05 Енгил атлетика. 20.30 Жаҳон спорти юлдузлари - Зидан: «Ширин тушдек умр». Хужжатли сериал. 20.50 «ПроФРИНГ».

13.30 Ўзбек наволари 14.30 «Хонаки эркак» 15.40 Мультифильм 17.00 «Baby Terra Landiya»

лар» т/с 09.30 «Муסיкий лаҳзалар» 10.00 «Янги авлод» 10.30 «Озод-шоу»

17:30 «Зумраша» 17.40 НТТда мусика 18.00 «Жиноят кидирув бўлими» т/с

ЖУМА 30 06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.10 «Икки тақдир». Т/с. 8.00 «Ахборот».

17.00 «Ахборот». 17.15 «Саломатлик дастури». 17.35 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».

11.50 «Пуаро». Т/с. 12.40 «Чемпион». 13.00 «Давр». 13.10 «Ешлар нонушаси».

9.30 «Пойтахт». 9.50 «Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси». 30-қисм. 10.15 «Репортаж».

7.15 ХАБАРЛАР. 7.25 Болалар майдончаси. 7.55 «Военное дело».

21.45 ХАБАРЛАР. 22.05 Мавсумнинг энг яхши ўйинлари. «Интер-ЦСКА».

09.30 «Муסיкий лаҳзалар» 10.00 «Янги авлод» 10.30 «Дийдор ширин»

ШАНБА 31 06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 07.05 Миллий кино: «Чол ва набира».

21.00 «Ахборот». 21.40 «Кино Театр». 22.05 «Тулшар». Б/ф. 23.05 «Юртим бўйлаб» дастури: «Эртақлар шахри».

20.30 «Айланай». 20.50 «Император аёл». 21.40 «Ешлик наволари».

15.15 «Эсмеральда». Т/с. 16.9-қисм. 15.45 «Бизнинг футбол». 16.00 «Менинг маҳаллам».

Мультифильм. 8.25 АНОНС. 8.30 «Шижоат».

07.00 09.10 Ўзбек наволари 08.00 «Хонаки эркак» 09.30 «Завтра наступит сегодня»

16.50 Ўзбек наволари 18.00 Prime time (рус) 18.10 Ўзбек наволари

ЯКШАНБА 1 06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 07.05 «Чол ва набира».

манзаралари. 20.45 «Кўнгил кўшиқ истаиди». 21.00 «Тахлилнома».

20.30 «Рўзгор мактаби». 21.10 «Таранум». 22.00 «Моноло». 22.30 «Баҳор қайтмайди».

мьера/. 13.00 «Салом, Тошкент!» 13.50 «Уйларим».

«Арсенал». 9.25 Анонс. 9.30 «Тренируемся вместе».

19.00 АНОНС. 19.05 «Спорт - менинг ҳаётим».

18.00 Prime time (рус) 18.10 Ўзбек наволари 20.30 «НТТ спорт»

ЭРТАЛАБКИ ТАҚВОЛИ НОНУШТА АСОСИДА:

- Сурункали қабзият;
- Асабийлик;
- Соғломлашиб, табиий семириш;
- Қорин ва сондаги ёғларни йўқотиш;
- Қон томир, ичакларни, бўғимдаги тузларни табиий тозалаш;
- Ойига 5–15 кг.гача озиш;
- 3 ойда 10 ёшга ёшариш;
- Болалар муаммолари;
- Қоннинг шакар миқдори ва босимини меъёрлаш;
- Юзни оқартириб, жарроҳлик амалиёти-сиз ёшартириш (ажин ва доғлар);
- Италия, Франция ҳамда Америкадан келтирилган табиий махсулотлар.

Мурожаат учун телефон: (+99897) 710-03-11. Халқаро тоифали
WELLNES тренер Лола Қаландарова. (+99897) 711-32-05 (Хоразм).
Махсулот сертификатланган. №0738045

ИХЛОС — ХАЛОС

Бош оғриғи, қон босими ошишидан кутуласиз!
Қораталоқ, ўт пуфағи, ошқозон-ичак хасталикларидан халос бўласиз!
Гижжалар, лямблялар, чурралар, бел-оёқ оғриқлари, бўйин, елка ва тиззадаги туз йиғилиши, бод, артрит, полиартрит, умуртқа чуррасини даволашда ёрдам берамиз!

Асаб, юрак-қон томир, буқоқ хасталикларидан тuzаласиз!
Муроджон Мамажоновнинг "Халқ табобати маркази" Ўзбекистон Халқ табобати академияси томонидан берилган 66-сонли гувоҳнома асосида фаолият юритади.

Мурожаат учун телефон: (+99897) 111-21-63

"42 ёшдан. Белимдаги чурра азоб берар, бошдаги қон босими кун сайин ортиб борарди. Бир курс даволангач, барча дардларимдан фориғ бўлдим. Ўзим шу ерда шифо топагач, мана бугун етти ёшли қизимни ҳам бошлаб келдим. Унинг гижжаси бор, иштаҳаси йўқ. Муолажага қатнаб юрган кезларим бу жойда кўплай беморлар худди шу хил хасталиклардан даволанганларига шахсан ўзим гувоҳ бўлганман.

МУҲАБАТ,
Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани".

"Ўғлим Улуғбек 16 ёшда. Ниҳоятда асабий, сал нарсага жаҳли чиқиб дудуқлана бошлар, тирноқларини чайнаб ташларди. Тунлари безовталаниб чиқар, уйқуси чала эди. Бу ҳол эса унинг асабларини баттар қақшатарди. Ўғлим бечора аҳволини ўзи ҳам яхши тушунарди, шекилли, шу ёшда ўртоқларига кўпм кўшилавермасди.

Уни Муроджон аканинг олдига олиб келганимдан буён ўзгаришлар анча яхши. Муолажанинг тўртинчи кунидан уйқуси маромига тушди. Энди ўзини анча яхши ҳис қилаяпти.

Озода ИБРОХИМОВА,
Қарши шаҳри".

Қадри ҳамкасбимиз Шаҳнозаҳон!

Сизни туғилган кунингиз билан самимий қутлаймиз. Узоқ умр, сийҳат-саломатлик тилаймиз. Биз ҳамкасблар, фарзандларингиз ва ақилларингиз бахтига доимо-соғу омон юришингизни Оллоҳдан сўраймиз.

Бахт, аслида, ҳаёт йўлларимиздаги машаққатларни енгиб, уларни умр мазмунига айлантириш, ўткинчи дунё синовларидан маъно топиш эмасми?

Ана шу йўлда омад ҳамроҳингиз бўлсин!

Эҳтиром билан

«Oila va jamiyat» газетаси таҳририяти жамоаси.

ЧАНГ БОСМАСИН ЮЗЛАРИНГИ...

Китоб... Шу ҳолатга кел-гунча қанча йиллар, қанча йўллар, қанча доvonлар босиб ўтилди экан? Тошларга, ёғочларга териларга, битилган битиклар ўтмишининг қанча воқеа-ҳодисаларига гувоҳлик бера оларкан? Биз билан тарихни боғлаб турувчи кўзга кўринмас олтин кўприк шу китоб эмасми?

Ёзув-чизувнинг кашф этилиши инсоният тафаккуридаги бекиёс ангилликлардан бири бўлса, ажаб эмас. Бир қарашда оддий туюладиган бу ихтирони одамзотнинг онгли тараққиёт йўлидаги илк қадами дейиш ҳам мумкин. Бугун эса ҳеч бир ишимизни ёзув-чизув ва ҳисоб-китобсиз тасаввур этолмаймиз. Аждодларимизнинг пурмаъно фикрлари, ҳикматли ўғитлари ҳам нодир кўлэмалар орқали етиб келган.

Улар ёрдамида ота-боболаримизнинг қалб кечиммалари, ўй-фикрлари билан ошно бўлаемиз.

Биз илм-фан, техника жуда юксак даражада ривожланиб бораётган асрда яшаймиз. Ҳаётнинг туҳфасини қарангки, бугун хоҳлаган мавзудаги китобимизни бемалол топишимиз мумкин. Кутубхоналарда, китоб дўконларида бунинг учун барча имкониятлар мавжуд. Лекин китоб ўқийдиганларнинг аксарияти ё талабалар ёки илмий тадқиқотчилар экани одамни бироз оғринтиради. Бошқаларга эса бирорта яхши асарни тавсия қилсанг, киносини кўрганман ёки мазмунини ашитганман, деб жавоб беради. Афсуски, ҳар икки ҳолат ҳам китоб берадиган эстетик завқни беролмаслиги исбот талаб қилмас ҳақиқатдир.

Албатта, ҳозирги кунда маъ-

лумот манбалари жуда кўп. Интернет, газета-журналлар, телекўрсатувлар, радио эшиттиришлар орқали хоҳлаганча янгиликлардан бохабар бўлиб, истаган мавзунинг ўрганиш мум-



кин. Аммо улар барибир китобчилик яқин дўст бўла олмайди. Китоб – ўқувчини эркин фикрлашга, ижобий ёки салбий ҳолатларни мустақил баҳолашга ўргатади, билими, дунё қарашини, тафаккури, нутқининг шаклланиши, қолаверса, адабий тил меъёрларига эътиборини қучайтириб боради.

Охири пайтларда китоб ва компьютер тўғрисидаги мунозаралар авж олмоқда. Китобни хоҳлаган жойда, сафарда ҳам, дам олишда ҳам, уйда ҳам бошқаларга ҳалақит бермасдан ўқиш мумкин ва бундан маънавий дам оласиз. Қолаверса, бир умрга сизнинг бисотингизда сақланиб қолади. Компьютердан эса тезкор маълумотлар, хабарлар, янгиликлар олиш имкони кенгроқ. Ундаги қулайликларни ҳам рад этиб бўлмайди. Компьютердан

унумли фойдаланиш замон талабидир. Шундай экан, қомпьютерни ҳам, китобни ҳам ўз ўрнида ишлаши энг тўғри йўлдир.

Оилада фарзандларимизга китобнинг кадр-қимматини кенгроқ тушуниришимиз фойдадан холи эмас. Кимнингдир уйда китоб бурчакда чанг босиб ётган китобни яна кимдир йиллаб излаётган бўлиши мумкин. Кимдир тополмаган ноёб асарни қассоб гўшт ўраб сотиш учун ишластаётгандир. Донишмандларимиз китобнинг ҳам уволи бор, деб бежиз айтишмаган. Ортиқча китобингизни бирорта кутубхонага топширсангиз фойдаси ҳам, савоби ҳам катта бўлади. Истардимки, ҳар қандай уволдан Яратганининг ўзи асрасин, китоблар юзини чанг босмасин.

Моҳиғул НИШОНБОВА,
ЎЗМУ талабаси

Москвадаги Халқаро

Абу Али ибн Сино академиясининг магистри

табиб ХУРСАНД АЛИ

табобат-хизматини таклиф этади:

- Ошқозон-ичак, ўт пуфағи, қораталоқ касалликлари;
- Бепуштлиқ, жинсий аъзолар шамоллаши; буйрак ва тухумдон кисталари, простата бези шамоллаши;
- Буйракдаги тошларни тушириш;
- Гижжа, лямблялар ариб, теридаги оқ доғлар(ветелиго) ва ажинлар кетади;
- Умуртқа чурраси, бел ва оёқ оғриғи, бод, артрит, полиартрит, бўйин ва елкада, тиззада туз йиғилиши сингари хасталиклар;
- Юрак, қон-томир хасталиклари, қон босими, инсултдан кейинги тиклашнинг даври ва асаб касалликлари;
- Буқоқ касаллигининг ҳар қандай тури Шарқ табобати усулида гиёҳлар билан даволанади.

Манзил: Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани Қумовул (Бектемир) кўрғони.

Телефон: (+99897) 156-57-31. Лицензия № 95

Табиблар реестрида 2092-рақам билан қайд қилинган.



Пойтахтимиз ақли ва меҳмонларига беминнат хизмат кўрсатиб, уларнинг узогини яқин, оғирини енгиб қилиб келаётган Тошкент шаҳридаги

2519-АВТОЖАМЛАНМА ДАВЛАТ КОРХОНАСИ

маъмурияти шу ҳудудда яшайтган
"Д" тоифали хайдовчилар ҳамда
чиптачиларни



ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ!

Ойлик маошлар куйидагича:

Хайдовчилар учун 600 000 сўм.

Чиптачилар учун эса 170 000–200 000 сўм.

Шунингдек, автожамланма қошида ташкил этилган махсус ўқув курсида "Д" тоифали хайдовчилар тайёрланади.

Ўқиш муддати 6 ой. (3 йил ишлаб бериш шарти билан)

Хайдовчилик курсларида ўқини хоҳловчилар куйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:

1. Паспорт кўрсатилади ва 2 та нусхаси тақдим этилади.

2. Ҳарбий билет(нусхаси тақдим этилади).

3. 3x4 сурат (10 дона)

4. Тиббий маълумотнома (3-сон шаҳар клиник шифохонаси)

5. "В", "С" тоифали хайдовчилик гувоҳномалари(нусхаси) тақдим этилади.

Куйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Авайхон кўчаси (собик Иркутск) 20-уй.
Мўлжал: Қорасув 6. ТЕЛЕФОН: 266-38-31

ТАБИБ МУҲАБАТ ХОЛМАТОВА

беморларни кафтидаги биоувват ва гиёҳлар билан самарали даволайди.

МУОЛАЖАЛАРДА

– Эркаклар ва аёллар бепуштлиғи

– Простата бези муаммолари

– Буйрак ва тухумдон кисталари

– Миома

– Жинсий заифлик ва бошқа хасталикларга шифо топишингиз мумкин.

Муҳаббат Холматованинг «Халқ табобати маркази» Ўзбекистон Халқ табобати академияси томонидан берилган №107-гувоҳнома асосида фаолият олиб боради.

Табиблар реестрида 2106-рақам билан қайд қилинган.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Зарқайнар кўчаси, 1-уй, 19-хонадон.

Мўлжал: Хадра майдоғи.

(«ROISON» дўкони орқа тарафи)

Мурожаат учун телефонлар:

244-44-76;

(+99897) 469-24-58

МУЛОҲАЗА

ЯНА ГИЖЖАЛАР МУАММОСИ

ёхуд табобатда синалган даволар

Ўғлим Беҳзод тўрт ёшда. Баҳор фаслида унинг юзларига оқ доғлар туша бошлади. Витаминларга бой овқат ва дармондорилар беришимга қарамай, ҳеч семирмаяпти, жуда нимжон. Тунлари бир неча марта уйғониб, безовта бўлаверади. Бармоқларнинг учларида ҳам қандайдир майда тошмалар бор. Оилавий полимиклиникамиз шифокорига ҳам учрашдик. Бир неча марта муолажалар ёзиб берди, лекин нафи кам бўлди. Бундан хавотирланаётганим тугайли сизлардан маслаҳат сўрамоқчиман: бу қандай касаллик? Табобат усули билан табиий равишда даволаш мумкинми?

**ОЙГУЛ,
Денов шаҳри.**

Ўзбек халқ табobati соҳасида бир неча йиллардан бери самарали фаолият олиб бораётган табиб Қаҳҳоржон АМИНОВ ушбу саволга қуйидагича жавоб беради:

— Бундай саволлар билан бизга ҳам жуда кўпчилик мурожаат этади. Беҳзоддаги ўзгаришлар унинг организмида ҳам бошқа тенгдошларидаги сингари гижжаларнинг кўпайиб кетганини билдиради. Халқона ибора билан айтганда, бу “текинхўр”лар одам танасидаги керакли витаминлар, микроэлементлар ва бошқа энг фойдали саналган озукалар ҳисобига яшайди. Ва ўзидан чиқадиган турли хил чиқиндилар билан танани заҳарлаб туради. Натижада, терида аллергия касалликлар, ҳатто пел (вителиго), камқонлик, уйқусизлик, асаб тизимининг бузилиши, шунингдек, ошқозон, ичак, жигар фаолиятга шикаст етказадиган хасталикларни келтириб чиқаради.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, одам организмида паразитларнинг 250 дан ортқ хили мавжудлиги аниқланган. Хузурига келганлар билан мулоқотлар жараёнида фарзандларига обдон ташхис қўйиб, гижжа борлигини айтсак, ажабланиб, “Мумкинмас, ахир улар ҳар доим тоза-озода юради-ку”, дейишади. Ана шундайларга батафсил тушунтирамиз. Масалан, гижжалар учун аксарият ҳолларда энг қулай “макон” болалар организми ҳисобланади. Оддий ичиладиган сув, сабзавот, кўкатлар, ўрин-тўшак, чанг зарралари, тирноқларни ўз вақтида олиб юрмаслик, идиш-товоқларни ювмасдан

овқатланишлар оқибатида танамизга кираб келаверади.

Гижжаларнинг энг кўп учрайдиган тури “острица-гельминтозлар” бўлиб одам танасида, тўғрироғи, ичакда паразитлик қилиб, жуда қисқина муддат — бир ойгина яшаб, кейин йўғон ичак орқали чиқиб кетади. Энг дахшатлиси, “тинггина” чиқиб кетса-ку яхши, лекин ўзидан 12 минг тухум қолдиришини тасаввур қилаверинг. Улар касалликни қайта юқтиришга асос бўлиб хизмат қилади. Гижжа ичакда бўлса, кишининг ичи қотади ёки ичи кетади, кўнгил айнийди, баъзан қайт қилади. Агар жигарда бўлса, кўз оқи ва бадан



сарғаяди, шиж пайдо бўлади, ўпкада бўлса, сурункали йўтал тутайди. Оқибатда, бола яхши ўсмайди, инжиқ ва хар доим, айниқса, кечалари безовталаниб ухломмайди, хотираси ҳам суст бўлади. Чунки организмда сингиши лозим бўлган моддаларнинг кўп қисмини гижжалар ўзлаштиради. Бундай болаларнинг ахлатида майда қуртларни кузатиш мумкин. Гижжаларни тушириш бола соғлигини тиклашда ва унинг вазнини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Гижжаларни йўқ қилишда физик, кимёвий усуллардан ташқари биологик имконият ҳам мавжудки, бу эса халқ табобатининг энг қадимий, муҳими, фойдали даволаш йўли сифатида тан олинган.

Биз бугун ана шундай усуллардан

бирини тавсия этмоқчимиз:

Оддий қовоқнинг уругидан дармондори тайёрлаш мумкин. Бунинг учун қовоқнинг 300 г хом уруги ёки қуритилгани қобиғидан ажратилади.

Бунда уругнинг сиртидан юпка кўк қобиғи албатта қолдирилади. Сўнгра ўғир билан яхшилаб янчилади ва бу вақтда уруг озождан кўшиб турилади. Кейин эса 50-60 г сувни секин-аста 10-15 томчидан кўшиб турилади. Тайёр бўлган массага таъм бериш учун 10-15 г шакар қўшилади ва ҳаммасини 1 соат давомида беморга оч қоринга берилади. 3 соатдан кейин ярим стакан илиқ сувага мағний сульфат араштириб ичилади. Ярим соатдан кейин яхшилаб ҳуқна(клизма) қилиб ташланади.

Гижжага қарши курашда ялпиз барги, дастарбош гули, франгула пўстлоғи, мойчечак гули, аччиқ шувоқ, қайин куртаги, дармана гули, қарам ҳамда саримсоқпиездан тайёрланган дахлама ва дармондорилар ёрдамида қилинган муолажалар ҳам ёрдам бериши исботланган: Бизнинг табобат марказимизда ҳам юқорида санаб ўтилган табиий воситалардан фойдаланилган ҳолда дахламалар тақдим этилмоқда. Энг асосийси, ҳар бир беморимиздаги касалликларни аввал аниқлаб, шундан кейингина дориво ўсимликлар ёрдамида даволашни йўлга қўйганмиз.

**“Оила ва жамият” муҳбири
Барно МИРЗААХМЕДОВА
тайёрлади.**

Қаҳҳоржон Аминов амалдаги қонунчилик асосида мамлакат миқёсида фаолият кўрсатаётган табиблар реестрида 2124-рақам билан қайд қилинган. Мурожаат учун тел: (+99897) 424-82-01

✓ **АКС-САДО**

ЖАМОАТДАН АЙИРМАСИН

“Асал деманг еган ошини...” — 28-сон

Ушбу мақолада анча жиддий мавзу кўтарилган. Тўғри, бу ҳақда неча ўн йиллардан бери гапираялмиз, ёзаялмиз. Лекин тўй-маъракаларини инсоф билан, бировга малол тушмайдиган тарзда ўтказаятганлар, албатта, кўп.

Аммо наҳорги ош беришларда барибир меъёрни сақлаш кераклигини барчамиз ҳам тўғри тушунавермаймиз. Чунки бундай маросимлар азал-азалдан беш-ўн одамнинг манфаатини, тинчини ўйлаб ўтказилмаган, аксинча, кенг жамоатчиликдан хайрли дуо олиш, самимий раҳмат эшитиш учун амалга ошириб келингани ҳеч кимга сир эмас.

Очигини айтиб қўя қолай, тонг сарҳарда ҳали иштаҳани-ку қўя туринг, ҳатто уйқуси очилмаган, юз-қўлини чала-чулла ювиб, шоша-пиша дастурхонга ўтирган одам нимани ўйлайди? Нафсиними ёки қайси бир инсоннинг яхши ёки ташвишли кунини кўнглини кўтариш ёхуд кўтлашимни? Унинг хаёлидан нелар ўтаётгани номалълум. Яна уйига қайтиб бориб ухлашни ёки кун бўйи қарахт юргандан кўра ишга бормай қолишни-да! Ошни еб уйга кетиш бошқа, бироқ масофа олис бўлса, тўғри ишга боришдан бошқа илож топилмасанима қилади? Ўзим неча марта гувоҳ бўламан, соат беш ярим-олтида ишхонага келволиб, стулларни қатор қилиб устига қилиб, соат тўққизгача ухлаб ётганларни.

Мақолада тўғри таъкидланганидек, мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида, энг аввало, шу жойнинг аъёна, урф-одатларига қатъий риоя қилган ҳолда, мавсумга, шарт-шароитга қараб, у наҳорги бўлади, шунингдек, кечки тадбирларми, ҳар қандай ҳолатда ҳам имкониятдан келиб чиқилиб, иш тутиш керак. Энг муҳими, тўй-маърака соҳиблари ўз манфаатини ўйлайдиганларни эмас, жамоатчиликни кўпроқ ўйласин.

**Раҳмонали ШАРИПОВ,
ўқитувчи.**

МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

Кўй (21.03–20.04)

Келаётган ҳафтада сиз анчадан буюн амалга оширолмайд юрган ишларингизнинг ечимини топишингиз мумкин. Бунда узоқни кўриб иш тутишингиз, ҳамкорлар кўмагига таянишингизни маслаҳат берамиз.

Бузоқ (21.04–21.05)

Ҳафта бошида бироз безовталанасиз, кайфиятингиз тушқун бўлиши мумкин. Лекин тушқунликка берилманг, баъзида руҳий изтироблар келгусида жўшқин ижод қилишингизга ундаши мумкин. Ҳафтанинг жума ва шанба кунлари хушхабар эшитасиз.

Эгизаклар (22.05–21.06)

Анчадан буюн сизни йўқламай қўйган танишларингиз билан кўришингиз мумкин. Эски гиналарни унутиб, дўстлиқни да-

вом эттиринг, чунки дўст ҳар қанча кўп бўлмасин, кам. Ҳа, айтгандек, чоршанбада моддий рағбатланишингиз мумкин.

Қисқичбақа (22.06–22.07)

Келаётган ҳафтада сизга айрим масалаларда тақдир имконият яратди-ки, ақлу-салоҳиятингизни ишга солсангиз ютказмайсиз. Фарзандларингиз билан яқинроқ мулоқотда бўлинг, уларнинг хушхачқак бўлишларига кўмаклашингиз. Пайшанбада катта «Сюрприз» бор.

Арслон (23.07–23.08)

Ушбу бурж вакиллари шу кунларда ширин ташвишлар билан овора бўлишади. Бироқ бунда яқин кишиларингиз сизга руҳий мададкор бўлишса, яна-ям яхши. Чоршанба ва пайшанба кунларини хотирҳам ўтказасиз. Ҳафта сўнгида шахар ташқ-

арисида оилавий ҳордиқ чиқаришингизни маслаҳат берамиз.

Сунбула (22.08–22.09)

Нуфузли базмларга бориш орзунгиз эди. Тайёргарлигингизни кўраверинг. Жамоадагилар билан бирга базм иштирокчиси бўласиз. Фақат шанбада салгина дилхиралик юз бериши мумкин.

Тарози (23.09–22.10)

Мазкур бурж соҳиблари бу ҳафта ўзларининг нечоғли қобилиятли кишилар эканликларини намойиш этади. Олдидаги тўсиқларни эса сабртоқат билан энгиб, атрофдагиларга ибрат ҳам бўлишади. Бироқ, ҳафта ўртасида айрим кишилар билан тортишиб қоласиз. Ҳеч ҳам хафа бўлманг, вазиятни юмшатиш сизнинг қўлингиздан келади.

Чаён (23.10–22.11)

Бу ҳафта яқинларингиз ўртасидаги «яраштирувчи битим»ни тузишга бош бўласиз. Ва бунга эришгач, кўнглингиз хотирҳам бўлиб катта ишларга қўл урдингиз келади. Бемалол, ахир юлдузлар мазкур ҳафта сиз учун энг омадли бўлишини таъкидлашмоқда.

Ўқотар (23.11–21.12)

Юлдузлар сизга энг нозик сирларингизни ҳаммага ҳам айтивермаслигингизни маслаҳат бермоқда. Бу эса сизнинг келгусидаги режаларингиз амалга ошишига, шахсий ҳаётингизга жиддий таъсир кўрсатишига сабаб бўлиши мумкин. Иложи борица мустақил ишлашга ҳаракат қилинг.

Тоғ эчкиси (22.12–20.01)

Соғлигингиз безовта қилиб қолади. Бефарқ бўлманг. Сешанбада кўп мақтов

эшитасиз, лекин уларга учиб ҳаволаниб ҳам кетманг. Бу ишхонада ҳамкасбларингиз орасида ўз обрўнгиғиза путур етказиши мумкин. Янада серҳаракат, янада чаққон бўлинг.

Қовға (21.01–19.02)

Душанбадан чоршанбагача энг осойишта, энг бахтли кунларингизни бошдан ўтказасиз. Шахсий ҳаётингиздаги ўзгаришдан албатта хурсанд бўласиз. Анчадан буюн кўнглингиз тусаб юрган дамлар сизни бахтли этади.

Балиқ (20.02–20.03)

Бу ҳафта балиқлар севги бобида яхши ҳам изтиробли кунларни бошдан кечиришади. Бўйдоқлар ўзлари орзу қилган кишиларини учратишлари мумкин. Фақат алданиб қолманг, ахир айтишадикки, ташқи кўриниш алдамчи.

**Фарангиз УМИДОВА
тайёрлади.**

ОТАМНИ КЎРГАН ОДАМЛАР...

ЎЗБЕК ФЕЪЛИ

Дам олиш кунларининг бири эди. Камол диванда чўзилиб, газета варақлаб ўтираркан, эшикдан шарпасиз кирган хотини Зилола креслога чўкди. У муҳим бир гапни айтмоқчидай эрига қараб қолди.

— Нима гап? — деди Камол газетадан бошини кўтармай.

— Кейинги пайтларда адангиз жуда безовталар...

— Нега? — ажабланиб қаради хотинига у.

— Билмайман... Ҳеч тушунолмаяпман.

— Нима, мазалари йўқми?

— Йўқ... яхшилар... Лекин негандир тушкун кайфиятда.

— Нимадан экан, билмадингизми?.. Ахир, мен ишдан келсам, яхшигина ўтирадилар-ку!

— Билмадим... Уйда тургиси келмай қолган, шекилли. Эрталабдан кечгача қаёқлардадир юради. Оқшом хориб келади-да, озгина тамадди қилиб, ухлаб қолади. Илгари бунақа эмасди. Мен кун бўйи уйдаман-ку, шунинг учун сезаман-да, нимадандир безовта.

— Тагин... Хафа қилиб қўйган бўлмагин? — Камол қўлидаги газетани бир четга қўйиб, хотинига қаттиқ қаради. Зилола бу нигоҳга бардош беролмай ерга қараб бидиллади:

— Улибманми? Адамларни-я? Қўйинг-е! Яхшиси, ҳеч нарса сезмагандай бўлиб ўзлари билан бир гапланиб кўринг.

— Ҳа-а, мен ҳам иш-иш деб кўнгилларига қарай олмаётгандирман.

— Иш қочмас... Лекин адангиз...

Камол секин ўрнидан турди-да, ташқарига йўл олди. Ховлида отаси ток остидаги сўрида таъяга ёнбошлаган қўйи оёғини узатиб, бироз нарида пақирдаги тарвуз пўчоғини чўқиётган товукларни кузатиб ўтирарди. Камол секин сўрига чиқди. Салом берди. Отасининг пойкач томонидан тиззалаб ўтирди. У отасининг хориган чехрасига хижолатли қараб олди-да:

— Дада, бугун дам олиш куним. Уйдаям ўтириб нима қиламан? Бирор жойга бориб келмаймизми? — деди.

Чол хўрак талашаётган товуклардан диққатини тортиб олди-да, ўрнидан бир кўзга-либ, ўғлига қаради:

— Қариндошларни кимга дейсанми?

— Билмасам, сиз нима десангиз шу, дада.

— Кўнглимдагини топдинг-да, болам, қани кетдик.

— Қаёққа, кимни кимга, айтмайсизми?

Чол ниманидир эслагандай бўлди. Бирдан чехраси ёришди-да, ўғлига қараб деди:

— Камолжон, Ҳамиджон дўстинг билан кўришиб турибсанми?

Ўғил бироз каловланиб қолди. У билан қачон учрашга-

нани эслашга ҳаракат қилди, лекин эслай олмади. Азбаройи нимадир дейиш кераклигидан: — Ҳа-а, онда-сонда... Ҳеч ўзимиздан ортмапмиз, — деб қўйди.

— Шу Ҳамиджон дўстингига борсак дегандим, — деди отаси. — Соғинибман, шекилли.

— Майли, телефон қилиб атайми? Яхшиси, билдирмай



борайлик, — дея Камол машинасини олиб чиқди.

Ота-бола кўз очиб юмгунча манзилга етиб келишди. Уларни кўриб Ҳамид ҳам, аёли Зухра ҳам суяниб кетишди. Келин меҳмонларни меҳмонхонага қорлади.

Отaxon эса: — Йўқ, қизим. Бизга шу ўрик-нинг соясига жой қилинг, —

деди ховлини бир қур кузатиб.

— Қандай бўларкин?... Йўғ-е, меҳмонхонага кирсангизлар-чи? — деди хижолат тортиб Зухра.

Чол барибир кўнмади.

— Меҳмонхонагнни кўя тур, қизим. Ерга ўтирсак ҳам менга шу дарахтнинг соясига яхши.

— Майли, отaxon. Сиз не десангиз шу-да, ҳозир, Замира, тез бўлгин, — қизини ёрдамга чакирди.

Бирласда ўрик остига жой тайёрланди. Чол шохлари тарвақайлаб кетган ўрик дарахти ёнига бориб унга узоқ термулиб қолди. Кейин қалин кўрпачага ўтирди-да, секин гап бошлади:

— Ҳамиджон болам, шу дарахтни кўрсам, отангни кўргандай бўламан.

— Биласиз-ку, ўз кўллари билан эккан эканлар-а?

— Бўлмасам-чи, ниҳолини қадаётганида мен ҳам ёнида эдим. Раҳматли жуда ҳокисор, дарахтдай файзли одам эди...

— Бошқаларни билмадим-у, лекин отанинг дўсти бошқа бўлар экан-да. Ҳозир сиз эшикдан кириб келаяпсиз-у, гўё отам кириб келаятгандай туюлди.

— Эл ичида "отамни кўриб қолган, онамни кўриб қолган" деган гаплар бежизга айтилмаган, ўғлим. Кексалар кундан-кун ситилиб кетаверар экан. Мана, менинг қанча ошналарим дунёдан ўтиб кетди. Ҳар қуни улар эсимга тушади. Отангнинг руҳи-

ни шод қилайин деб сени йўқлаб келдим. Сизларни кўрсам, кўнглим таскин топади.

Камол ҳам отасининг бу сўзларини эшитиб, "Ҳа, безовталиклари боиси шу экан-да", деб қўйди ичида ва яхши иш қилганини тушунди.

Отaxon эса ёнбошлаб гурунг берарди:

— Ҳамиджон, сенлар билмайсанлар, асли бобонг билан менинг отам дўст бўлишган экан. Кейин отанг билан бизлар ошна бўлдик, Камол икковинг ҳам шунинг учун яқинсан. Қаранглар, қай йўсинда боғланиб кетганмиз. Лекин сенлардан кўнглим тўлмаяпти, алағдаман.

— Нега хавотирланасиз, амаки? — деди Ҳамид.

— Бир-бирларингни кўп йўқламайсизлар. Болаларинг ҳатто бир-бирларини танимайди-ку! Тўғрими?

Чол саволини бериб бир зумга жим қолди. Улардан жавоб кутди. Жавоб ўрнига жимлик...

— Нега жимсизлар?

Камол не дейишини билмай ўзича гўдранди:

— Шу-у... икки-уч ойда бир...

— Ана, айтдинг-ку, хавотирим шу эди, ўзи.

— Лекин тез-тез телефонлашиб тураемиз, — деди Камол кулимсираб.

— Телефон, ўғилларим, бу кўз эмас. Меҳр эса кўзда бўлади. Отамерос дўстлик дегани васият дегани. Биз эккан дарахтларни ҳеч қачон қаровсиз қолдирманглар.

Отaxonнинг гапларини жимгина эшитиб турган оғайнилари бир-бирларига қараб секин жимлашиб қўйишди...

Эшқобил ШУКУР

Даврон ТОЖИАЛИЕВ
олган сурат

ЖАМОАТЧИЛИК КЎМАГИГА ТАЯНИБ...

Соғлом оилани шакллантириш, ёш оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш ФХДЭ ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Аммо бу вазифани фақат биргина идора уддалай олмаслиги кундай равшан. Хотин-қизлар кўмитаси, ўзини ўзи бошқариш органлари, тиббиёт бирлашмалари, маҳалла-қўй... қисқаса, бугун жамоатчилик бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилсагина, бирор натижага эришиш мумкин. Ҳукуматимиз томонидан чиқарилган ҳуқуқий ҳужжатлар бу йўлда барчамизга дастуриламал бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Туманимизда ҳам мана шундай ҳамкорлик йўлга қўйилган. ФХДЭ ходимлари ташаббуси билан барча маҳаллаларга шифокор ва ҳамширалар бириктирилиб, ҳар ойда бир марта саломатлик ҳафталиги ўтказиш йўлга қўйилди. Ҳафталик давомиде оналар ва болалар, қизлар саломатлиги тиббий назоратдан ўтказилапти. Касаллик белгилари аниқланганда профилактик ёрдам қўрсатилиб, зарур тавсиялар берилмоқда.

Албатта, соғлом авлодни вояга етказишнинг биринчи шарт оилада тиббий маданиятни ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришдир. Туман хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда ҳар ҳафта маҳаллаларда ўтказилган тадбирларимиз худди шу мақсадга қаратилган. Учрашувларда хотин-қизларнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий манфаатларини таъминлаш, никоҳ тузишнинг тартиби ва шартлари, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, эр ва хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ОИТС муаммосини келтириб чиқарадиган омиллар тўғрисида кенг қўламада тушунтириш ишлари олиб борилапти.

Кези келганда, бўлимимиз қошида ташкил этилган "Оила мактаби" фаолияти хусусида ҳам алоҳида тўхталиб ўтсак арзийди. Мазкур мактаб тингловчилари тумандаги касб-ҳунар коллежлари, балоғат ёшига етган йиғит-қизлар, туман ФХДЭ бўлимига ариза берган оила қуриш бўсағасидаги келин-куёвлардан иборат. Уларга оила қончилиги, тиббий кўрикнинг моҳияти, соғлом турмуш тарзи, соғлом фарзандларни дунёга келтириб, уларни ҳар тарафлама етуқ ва баркамол қилиб тарбиялаш асослари тушунтирилади.

Бир сўз билан айтганда, бўлимимизнинг фаолият кўлами тобора кенгайиб борапти. Бу ишда тумандаги ўнлаб ташкилотлар ва маҳалла оқсоқоллари, фаоллари ақидан ёрдам бераётганини мамнуният билан таъкидлаб ўтишимиз лозим.

Нафиса ЙЎЛДОШЕВА,
Зангиота туман ФХДЭ бўлими иш юритувчиси

ИМОРАТЛАР ҲАШАМАТИ ЭМАС, ЗУРРИЁДЛАР САЛОМАТЛИГИ МУҲИМ

Кейинги йилларда соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар, тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш, тиббиёт масканларининг моддий-техника базасини яхшилаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани бежиз эмас. Бу юртимизда аҳоли саломатлигига, айниқса, соғлом авлодни шакллантиришга алоҳида эътибор берилаётганининг яна бир далолатидир.

Лекин, афсуски, шунча имкониятлар бўла туриб, улардан етарлича фойдалана олаяпмиз, деб айтолмаймиз. Орамизда саломатликнинг оддий қонун-қоидаларига амал қилмайдиганлар ҳам йўқ эмас. Масалан, болаларга ёш организм учун зарур сархил мевалар, дармондориларга бой озиқ-овқатлар едириб-ичириш имконияти бўла туриб, кўпгина оилаларда бунга эътибор берилмайди. Аксинча, топган-тутганларини уй-жой қуриш, мол-ҳолни кўпайтириш, машина олиш, катта тўйлар ўтказишга атаб йиғдилар. Билмайдиларки, эрта бир кун ўша дабдабали иморатлари эмас, ҳам руҳан, ҳам жисмонан соғлом фарзандларига жонларига ора кириши мумкин. Зурриёдлар саломатлиги жойида бўлмаса, қўнғилга тўй-тантанга сизгармиди? Тўғри, инсон орзу-ҳавас билан яшайди. Лекин орзу-ҳавасларимиз амалга ошгунча соғлимизни йўқотсак бундан нима фойда?!

Эътибор бериб қарасак, баъзи оилаларда турмуш юки аёлларимиз гарданига тушиб қолаётгандек. Фарзандларни дунёга келтириб, уй ишларини бажариб, яна рўзгорни камини тўлдириш илинжида қуймаланиш ҳар қандай аёл учун оғирлик қилади. Бу югур-

югурлар бугун бўлмаса, эртага унинг саломатлигига таъсир қилиши аниқ.

Ота-боболаримиз аёлларга, қизларга катта ҳурмат кўрсатганлар. Табиатнинг бу но-зик хилқатларини гулни асрагандек асраб-авайлашган. Уларга қаттиқ гапириш, ҳатто челоқда сув кўтартириш эркаклар учун иснод саналган. Ҳозир-чи, ҳатто хотини топиб келган пулга чойхонада улфатлари билан ош дамлаб гурунг қилиб юришдан уялмайдиган эркаклар ҳам бор. Уларга ота-боболаримизнинг эзгу амаллари ибрат бўлмасмикин?

Республикамизнинг энг бахаво, сўлим гўшаларида қанча-қанча сиҳаттоҳлар ишлаб турибди. Улар орасида оналар ва болалар учун мўлжалланган махсус сиҳаттоҳлар ҳам оз эмас. Лекин шифокорлар бирор касалликнинг белгисини аниқлаб, сиҳаттоҳларга тавсиянома билан жўнатмаса, ўз хоҳиши билан борадиган оналар жуда кам. Аввало пулдан, қолаверса, вақтдан кўзлари қиймайди. Одам кундалик бир маромаг тушиб қолса, шунга кўникиб кетади, кейин ундан чиқиб олиши осон эмас. Шу боис ФХДЭ бўлими ташаббуси билан ўтказиладиган тадбирларда юртдошларимизни юқоридаги масалалар ҳақида фикрлаб қўришга, фақат бугунини эмас, эртасини ҳам ўйлаб яшашга ундаймиз.

Алқисса, оналар ва болалар сиҳат-саломатлигига бефарқ қарашга ҳаққимиз йўқ. Эро, юртимиз ривожига, халқимиз фаровонлиги шу омилларга боғлиқ.

Севара МАВЛОНОВА,
Янгийўл шаҳар ФХДЭ бўлими ноziри

Абдурашид ХАСАНОВ,
техника фанлар доктори

МИНГЛАБ ГУВОҲЛИКЛАР МАВЖУД

Мавзуни бошлашдан аввал бир изоҳ бериб ўтишга тўғри келади. Илм-фандаги "реликт гоминиод" атамаси "қадим замонлардан сақланиб қолган одамсимон мавжудот" маъносини англатади, қор одамни ўрганувчи тадқиқотчилар эса "гоминологлар" деб аталади. Хуллас, гоминологлар бу мавжудотни "бошдан-оёқ" яхши биладигандек бир тасаввур тўғрисида. Чиндан ҳам, олимлар қор одамнинг қиёфаси, ҳаракатланиши, еб-ичиши, қаерда яшаши, одамга нисбатан ўзини қандай тутиши ва ҳоказо жиҳатларини беш қўлдек биледи. Москвадаги Дарвин музейи архивида у билан учрашувларни тасдиқловчи минглаб гувоҳликлар тўпланган. Шу мавзуда дунё бўйича кўплаб китоблар нашр этилмоқда. Шунга қарамай, ҳар гал янги ахборот янги-янги муаммоларни келтириб чиқаради, қўлга тушмас мавжудотга боғлиқ қандайдир сир-асрорлар борлиги тўғрисидаги фараз-тахминлар бора-бора қатъий ишончга айланади.

Олим сифатида илм-фандаги ҳар қандай муаммо, шу жумладан, қор одам масаласига қизиқиб, шу соҳадаги тадқиқотлар, изланишларни диққат билан кузатиб келаман. Бу борада эса, юқорида айтиб ўтганимдек, ҳар бир янги далил бошқа саволларни келтириб чиқаради. Масалан, бир гал профессор Поршневининг "Троглодитлар учун кураш" асарини машҳур рус адаби Иман Сергеевич Тургеневнинг бошидан ўтган бир воқеа ҳақида ўқиб қолдим. Шунда ёзувчи қор одамга тўқнаш келгани эмас, балки шу ҳодисани тезроқ унутиб юборишга урингани мени ҳайратга солди.

ТУРГЕНЕВ ВА "ҚОР ХОТИН"

Тургенев бу воқеа ҳақида умрида фақат бир марта оғиз очган. Ушанда ҳам таникли француз адаблари Ги де Мопассан ва Густав Флобер билан суҳбатлашиб ўтиришганида нимаям бўлади-ю, даҳшат тўғрисида хусусида сўз боради. Ёзувчи мавзуга берилиб кетиб, шу ҳодиса тўғрисида сўзлаб беради. Тургенев ҳаётида бошидан кечган ҳар қандай нарсани қогозга тушириб қолдиришга ўрганган эди. Бироқ бу гал олдигаги хилоф йўл тудди – бу ҳақда қогозга бир оғиз сўз туширмади, гўёки хотирасига қандайдир тўсиқ қўйилган-у, ўша воқеани эслашнинг ўзиёқ ниҳоятда азоб берадигандек туюлади. Хайриятки, Мопассан бу воқеани сўзма-сўз ёзиб олиб, "Даҳшат" ҳикоясини яратган.

Тургенев ёш пайти рус ўрмонида ов қилиб юрган эди. Кун бўйи кезиб, оқшом чоғи сокин дарё соҳилидан чиқиб қолди. Овчининг бутун борлигини чўмилиш истаги қамраб олди. Барваста бўйли, бақувват йигит яхши сузарди. У ўзини бўш қўйди, оқим бир маромда оқизиб борарди. Туйқусдан елкасига кимдир қўлини қўйди. Йигит ялт этиб қараб... унга катта қизиқиш билан тикилиб турган кўрқинчли бир мавжудотни кўрди. У аёл кишига ва айни пайтда маймунга ўхшарди. Япасқи ва сержин башараси бужмайиб-тиришиб кетган, қулаётган бўлса керак, хойнаҳой. Махлук танасининг олд томонда тасвирлаш қийин алламбало – қандайдир иккита халта, кўкракларими-ей, осилиб турибди. Куёшда саргайган узун ва патила сочлари юзларини қуршаган ва орқасига ёйилган.

Ҳайритабиий бу мавжудот олдиданги ибтидоий кўрқувдан Тургеневнинг бутун танаси музлаб қолди. Жони борича соҳилга қараб суза кетди. Бироқ махлук янада тезроқ сузар, унинг елкаси, бўйи, оёқларини пайпаслаб, шодон чинқиради. Кўрқувдан эсини йўқотган йигит бир амаллаб қирғоққа чиқиб олди ва кийимлари, милтигини унутганча жон-жаҳди билан ўрмонга қараб югурди. Даҳшатли махлук ҳам ундан қолишмай чопар ва аввалгидек чинқириб борарди. Азбаройи даҳшатдан қочқиннинг мадори қуриб,

Бу гаройиб мавжудот ер юзидан қадим замонлардан бери инсон билан ёнма-ён яшаб келади. Табиийки, шимолу жанубда, шарқу гарбда ҳаёт кечирувчи турларидан ҳар бири ўзининг номига эга. Қор одам Ўрта Осиё ҳудудида ҳам яшаган, жумладан, XII асрда Низомий Арузий ибн Умар Самарқандий "Маъжа ун-наводир" асарига уни "насос" деб атади. Бу мавжудот ўлкамизда яқин ўтмишда ҳам учраган, балки ҳозир ҳам бордир. Бироқ у жаҳон илм-фани учун ҳали-ҳануз жумбоқ бўлиб келаётир.


оёқлари чалишиб кета бошлади, ҳадемай йиқилиб тушиши аниқ эди. Шу пайт ўша орада эчки подасини боқиб юрган болакай қамчи кўтарганча югургилаб келиб қолди. Бола шу заҳотиёқ одамсимон

йин бу "қувонч"ни бошқа истамайдиган бўлдим.

Николай ҳатто ўша воқеа ҳақида хануз чурқ этмасди. Ниҳоят, бир оқшом даврада сирли ҳодисалар тўғрисида суҳбат



БЕШ ҚЎЛДЕК МАЪЛУМ НОМАЪЛУМ МАВЖУДОТ



жирканч мавжудотни савалай кетди, у эса оғриқдан дод солганича қочиб қолди.

Тургенев бу воқеани кейинчалик нима учун эсламасликка уринганини мен сираям тушунолмасдим. Зотан, ҳар қандай ёзувчи, Чехов қаҳрамонларидан бири истехзо билан қайд этганидек, "ўз таасиротларини қайта ишловчи ва қогозда қайта тикловчи машина" -ку, ахир!

ЮЗИНИ ГОМИНОИД СИЛАГАН ЙИГИТ

1983 йил, Тожикистон. Мутахассис криптозоологларнинг реликт гоминиодни излаш экспедициясида иштирок этган журналистнинг ҳикояси.

У Душанбе яқинидаги Варзоб туристлар қароргоҳида украиналик Николай билан танишиб қолади. Коля унинг гоминиодни излаб, Помирга кўп марта келгани, ҳатто бир марта учрашганини билганча, ҳаммадан олдин Николай изланишга отланишига ишонади. Бироқ навбатдаги сафардан нималарни кутаясиз, деб сўраганида, олим галати жавоб қилди:

– Иккита издан яшшигина нусха қўчирсам, шунинг ўзи кифоя. Бошқа ҳеч нарса керак эмас.

– Нега энди? – ажабланиб қаламқаш.

– Ахир, сиз қор одам билан учрашгансиз-ку! Уни яна бир марта кўришни наҳотки истамасангиз?

– Қўрқув-чи?

– Ҳўш, бунинг нимаси кўрқинчли экан?

Ғалати махлукқа дуч келмаган одамнинг гапига жавобан Николай жилмайиб қўйди:

– Олдинлари мен ҳам шундай деб ўйлардим. У билан учрашганимдан ке-

қизиб кетди ва Николай ҳам Тургеневга ўхшаб дилидагини тўкиб солди:

– Бу воқеа Пайрон қўли яқинида юз берганди, – дея ҳикоясини бошлади у. – Маълумки, гоминиод кўпчилик бор жойга яқинлашмайди, шу сабабли қароргоҳимиздан олисроқда бир чодир қурдик. Вовка деган бақувват бир йигит икковимиз у ерда кечаси галма-галдан навбатчилик қиладиган бўлдик. Мавжудотни металл ҳиди чўчитиб юбормаслиги учун ўзимиз билан қурол, техника воситаси, масалан, рацияни олмасликка келишди:.. Биринчи кеча Вовка навбатчилик қилди ва эрталаб ранги оқарган қиёфада қайтди. "Бугун Коля борсин, – деди у. – Агар шу нарса яна такрорланса, нима бўлганини кейин айтиб бераман". Мен тунда бедор ўтириш учун кундузи тўйиб ухлаб олдим. Сўнгра навбатчининг чодирда атрофдаги товушларга диққат билан қулоқ сола бошладим. Ярим тун, соат ўн иккилар эди, ташқаридан қадам товушлари келди. Чодир эшигини очсам – ҳеч нима кўринмайди, ёпсам – яна ўша қадам товушлари. Чодирнинг бир этагини икки қаричча кўтариб, атрофга назар солишга қарор қилдим. Шу ҳолатда бироз ўтирдим, тагин қадам товушлари эшитилди. Туйнукдан бош қиқариб қарашга тайёр турганим... Бироқ аъзои баданим музлаб кетди, бошим гир-гир айланиб, юрагим гурсиллаб ура бошлади. Кейин қараклими, фалажликми, бир туйғу, бутун вужудимни қуршаб олди. Ушанда худдан кетиб, туйнукка йиқилган ва бошим ташқарига чиқиб қолган бўлса керак. Шу алфозда қанча ётганимни билмайман, кейинчалик чамалаб қўриб, қирқ дақиқалар ҳўсиз бўлганман, деб ўйладим. Кимдир юзимни силаётганидан ўзимга келдим. Силаётган нарса қаттиқ, худди

СИНОАТЛИ ДУНЁ

дагал терига ўхшарди. Уйқусирабми, қаракли ичидими, уни ушлаб олдим – бу жун босган қўл эди! Қандай воқеа юз берганини бир зумда англаб етдим-у, нақ ҳайвондек ўкириб юбордим! Ва яна... худдан кетдим. Ўзимга келганимда атрофда сукунат ҳўки сурар, ҳеч ким кўринмасди. Ана ўшандаги ҳолатимни ҳеч қачон унутма олмайман ва у билан қайта учрашувни ўла қолсам ҳам истамайман.

Николайнинг бошидан ўтган бу воқеа янгилик эмас. Одам гоминиод билан тўқнаш келинганда беқиёс кўрқув-даҳшат туйғуси уйғонишига мисоллар жуда кўплаб топилади.

ГПУ ВА... ҚОР ОДАМ

1930 йил, феврал ойи. Куйбишев вилоятининг Чапаевск шаҳридан 60 километр масофада қалин ўрмон оралаб ўтган йўл. Чаналар қарвонида маҳбусларни кузатиб бораётганлар орасида Москва вилоятидан келган талаба М.Луре ҳам бор, у кейинчалик таникли криптозоолог М.Биков билан ёзишма олиб бориб, шу воқеани ҳикоя қилиб берган.

Йўлнинг бир қисмида отлар нимадан-дир хурқиб, безовталаниб қолишди, кейин эса олиб қочишди. Йўл бурилишида чаналардан бири ағдарилиб кетди, бошқалари ҳам тўхташига тўғри келди. Шунда М.Луре билан ГПУ ходими чанадан тушиб, музлаб қолган оёқларига жон киритиш учун депсина бошлади.

"Биз рўбарў турардик, – деб ёзади Луре. – Мен қарвон

йўналишига, шеригим эса тескари томонга қараганди. Тўсатдан бутун борлигимни даҳшат туйғуси қамраб олди. Ҳамроҳимга назар ташлаб, у менинг елкам оша нимагадир қараётганини, башараси бужмайиб-тиришиб кетганини кўрдим. Оёқларимда мадор йўқ, қимирлата олмасдим. Аъзои баданим ҳайқалдек қотиб қолган, орқамга ўгирилишга, ақалли бошимни буришга мажолим етмасди. Бироқ ҳар қалай... кўз қирим билан йиғирма-ўлттиз қадамлар нарида икки оёқли ва банд бўйли бир мавжудотни илғаб қолдим. У оёқларини ёйиб турар, қўллари тиззасига етар, елкаларининг кенглиги эса одамникидан нақ икки баравар келарди. Бўйи йўқ, боши катта ва телага қараб торайган. Бутун танасини жун қоплаган, мавжудотнинг юзини яхши кўролмадим, фақат оралиғи кенг ёвуз кўзлари ёйиб тургани эсимда қолган, холос. Бу манзарани илғаб олишимга ҳатто бир лаҳза ҳам кетмади. Рўпсрамдаги ГПУ ходими қўйинида тўппонча қиқариб, елкам оша мавжудотга бир неча марта ўқ узди. Теккиза олдимми-йўқми, билмадим. Яна кўз қирим билан ўрмонга югураётган мавжудотни илғаб қолдим. У букчайганича, тиззаларини букмай югурар, ўнг оёгини ташлаганида ўнг қўли, чап оёгини ташлаганида чап қўли бир маромда силкини борарди. Кейин ўрмонга кириб, гойиб бўлди. Чана ҳайдовчиларидан бири унинг ортидан милтиқдан ўқ узди».

ХАЙРИХОХ УЧРАШУВЛАР

Қор одам инсонга нисбатан доимо ёвуз муносабатда бўлар экан-да, деб ўйлаш керак эмас мутлақо. Бу билан унга тухмат қилган бўлмасиз. Агар тинчи бузилмаса, ҳатто йирткич ҳайвон ҳам одамга ҳеч бир сабабсиз ёмон кўз билан қарамайди-ку! Гоминиод эса қаерда қандай номда аталанишдан қатъий назар, ўз табии атига кўра инсонга душман эмас. Шунчаки, ўз ҳолича, тинчгина яшашни хоҳлайди, безовта қилишларини ёқтирмайди. Тинчи бузилганда эса ўзини ҳимоя қилишга, "босқинчи"ни ўз ҳудудидан ҳайдаб чиқаришга уринади. Бинобарин, ваҳимали воқеаларни тўхтатиб турайлик-да, инсон билан қор одам ўртасидаги хайрихох учрашувларга ҳам мисоллар келтирайлик. Улар гоминиод айнан қандай

(Давоми 15-бетда.)

(Давоми. Боши 12-бетда.)

хоталарда кишида қўрқув уйғотишини тушуниб етишимизга ёрдам беради.

Россиялик 9-синф ўқувчиси Шурка Сургучев 1975 йил сентябрида мана шундай ҳодисага дуч келди. Бир кун у тайгадаги овлоқ қўлда балиқ овлаш учун йўл

сўрарди. Ўшанда ҳеч қандай қўрқувни ҳис этмадим.

Донецк шаҳрида яшовчи бир одам ҳам Шимолга, қариндошларини кўргани борганида ана шундай ҳодисага дуч келганди. У мева териш учун ботқоқликка йўл олаётди, ўзи билан овчи итни эргаштирди.



БЕШ ҚЎЛДЕК МАЪЛУМ НОМАЪЛУМ МАВЖУДОТ



олди, ёнида ўртоғи ва ит ҳам бор эди. Болалар кўлга тўр ташлагач, ботқоқлик ёқасидаги қарағайзорга бормоқчи бўлишди. Шунда ит ириллаганича уларнинг йўлини тўсиб олди, ўртоғи айланиб ўтишга уринганида ҳам уларга тирмашди ҳам. Ит йўл бермаётганига қараганда, у ерда айиқнинг ини бўлса керак, деб ўйлашди ўсмирлар ва уйга қайтишди. Аммо итнинг бу хатти-ҳаракати Шурканинг хаёлидан кетмади. Бир неча кун ўтгач, у мотоциклга ўтириб, ўша кўлга йўл олди. Кейин елкасидан милтигини олиб, қарағайзор томонга йўналди. Сўнгра шундоққина рўпарасида, 25 метрча масофада кимдир турганига кўзи тушиб қолди. У одамга ўхшаш, бўйи нақ 2,5 метр келадиган бахайбат мавжудот эди. Танаси қорамтир-бўзранг, бошдан-оёқ жун билан қопланган. Боши худди елкасидан чиққанга ўхшайди, даҳани кучли, аммо ичкарига тортилгандек. Мавжудотнинг нигоҳи болани тўхтатар, орқага итарар, лекин хотиржам ва хайрихоҳ эди. "Мен шунини тушундимки, – деб ҳикоя қилади кейинчалик Шурка, – ўрмон эгасига дуч келиб қолганим ва у бу ердан кетишимни

– Бир маҳал қарасам, – деб ҳикоя қилади у, – қайинлар орасида кимдир кўринди. Тез-тез ўтириб, туради – бирор нарса тараётган бўлса керак. Унга яқинлашганим сари итим безовталана бошлади. Бирпас олдинга ўтади-ю, шу заҳотиёқ думини қисганича ёнимга қайтади. Кейин умуман қаергадир қочиб кетди. Мен эса ким яқинлашаётганига қизиқардим. Мана, у ниҳоят сўқмоққа чикди

ва ўн-ўн беш қадам нарида бошдан-оёқ яққол кўринди. Қиёфасидан гориллага ўхшайди, фақат ундан ҳам йиритроқ. Юзи япаски, қош бўртмалари шунчалик олдинга чиққанки, ҳатто остида кўзлари кўринмайди. Худди шапканинг айвонига ўхшайди. Тиззалари ярим букилган, кўллари осилиб турибди, кўкраги бағоят қабарик. Бироқ энг галати жойи шундаки, менда ҳеч қандай қўрқув йўқ эди. Бу қандай мавжудот эканига шунчаки қизиқардим, холос.

ТИНЧ-ТОТУВ КЎШНИЧИЛИК

Ер юзиде шундай худудлар борки, гоминоидлар одамлар билан ёнма-ён яшайди, ризқини топиб еб юради, уй-жойлар олдида ҳам тез-тез кўришиб туради. Россия криптозоологлар уюшмасининг Дарвин музейидаги архивида Қорачой-Черкесиядаги мўъжазгина бир қишлоқда яшовчи деҳқоннинг қуйидаги ҳикояси сақланиб қолган. У йўқолган эчкисини излаб юрганида полиз ёнидан ўтаётди, гоминоидга кўзи тушиб қолади.

– Алмасти (мавжудотнинг маҳаллий номи) картошка пайкали ичида чўнкайиб ўтирарди, – деб ҳикоя қилади у. – Худди одамнинг ўзи, фақат бошдан-оёқ жундор, кўллари узун-узун, кўзлари қип-қизил. Белига латта тутиб, орқасидан боғлаб қўйган. У чап қўлида этагини тутиб, ўнг қўлида картошка кавлаб олар ва этагига соларди. Ё тавба, деб ўйладим ўша заҳотиёқ, у қобонга ўхшаб картошкани ёриб ташлаётгани йўқ, балки одамдек авайлаб кавлаб ола-япти-я! У мени кўриб, ўрнидан турди ва ариқдан бир сакраб, бурганзор ичида гойиб бўлди...

Карелияда эса гоминоид билан одам азал-азалдан ўзаро тинч-тотув яшаб келади. Улар бир-бирларига ҳеч қандай за-

рар келтирмасликка уринишади. Аномал ҳодисаларни ўрганиш бўйича Петрозаводск "Сфинкс" кўмитасида гувоҳларнинг кўплаб маълумотлари тўпланган. Маҳаллий афсоналар ва ривоятларга қараганда, бу ўзаро ҳамкорлик қадим замонлардан бери давом этиб келаётгани аниқ. Кўшниччилик муносабатлари шу қадар беғараз ва самимийки, "ўрмон хўжайини" баъзан одамларга ёрдамга келади.

Мисол учун, 1983 йили балиқ овлаш пайтида беш ёшли қизча сувга йиқилиб тушганди, дарё оқими уни дарҳол суриб кетди. Шу пайт ўрмондан "хўжайин" чиқиб келди-ю, ўзини дарёга отди ва гўдакни қутқариб қолди. Кейин чангалзорга кириб гойиб бўлди. Қишлоқ аҳолисининг нақ ярми соҳилда турганди, бу воқеага барча гувоҳ бўлди. Улардан бирортаси қўрққан бўлса ҳам, гоминоиддан эмас, балки қизалоқдан хавотирланди. Мана энди бир ўйлаб кўринг. Ўрмон одами бу иши учун инсонлардан миннатдорчилик кутиб ўтирмади, чунки тинчгина яшаётганининг ўзи муқофот. Айни пайтда инсон ҳам худди шундай ўйлади – бу воқеадан кейин ҳам гоминоидга зиён-заҳмат етказиш кимнинг ҳаёлига келарди, ахир! Аксинча, уни четдан келувчи овчилардан асраб-авайлашлари керак-ку!

Қисқаси, гап мавжудотнинг ташқи қиёфасида эмас. Эртак, афсона қаҳрамонлари ёвуз ва бадбашара девлардан қўрқиб ўтиришганими? "Оловиддиннинг сеҳрли чироғи" фильмини эсланг. Жиннинг кўриниши қанчалик қўрқинчли бўлмасин, йигитча асло чўчимайди ҳам. Бундан кўра унинг "амаки"си – мағриблик жодугар даҳшатлироқ эмасми? Демак, қўрқув-даҳшат туйғусининг илдизи мутлақо ташқи қиёфага боғлиқ эмас, инсон назари ҳар қандай хунук, бадбашара кўринишга ҳам кўникиб кетади. У ҳолда қўрқувнинг моҳияти мавжудотнинг ички табиати, организмнинг ички тузилиши билан алоқадор эмасмикан? Зотан, қор одамнинг бу жиҳатларини, айниқса, ички оламини деярли билмаймиз, ахир!

САДАФ	... укубат	Билан (қўшиқчи)	Очиқ-ойдин, равшан	"... Лиза" (расм)	САДАФ	Ахил, тотув	Марко (сайёҳ)	Қадимги хонликлардаги мансаб	Волга дарёси ирмоғи	САДАФ	Авто "фонар"и	Ўзақ, пойдевор	"... ва Гита" (фильм)	Миллат, Осие қитъаси
Смит (олим)					Пилла маҳсули					Электр кутуби				
Фахш, бузуқлик					Хат, мактуб.					Банди, тутқун				
"... Аллоху акбар!"					Профессор					Батальон бўлин-маси				
Улғайган итбалиқ					Ёвузлик ранги					Нерв толаси				
САДАФ	Ҳечдан ... кеч яхши	Қўй подаси, сурув	... уйим-тинч уйим	Қуда...	САДАФ	Ел, шабада	... дунё бу дунё	Дили бошқа, ... бошқа	"... маҳалла йили"	САДАФ	Катта омон	Қайсар	... сафо	Оналар қўшиғи
Идиш хили					Торли чолғу					Туман, Тошкент вилояти				
Тараша, қуруқ еғоч					Ажойиб, антиқа					"... сўқмоғи" (кино)				
ЖАР валютаси					Келган ... шунга урсин					Асно, тарз				
Янги йил дарахти					Юнусов (актёр)					Европача "чилтор"				

ЯХШИЛАР БОР БЎЛСИН!

✓ «КЎНГИЛЛИ» ВОҚЕА

“Оиламиз билан Бухородан қайтаётгандик. Йўл-йўлакай Самарқандни зиёрат қилдик. Кейин шаҳардан чиқшдаги “Улуғбек” бекати ёнида жойлашган “Лаззат” деган ошхонага овқатлангани кирдик. Бир соатча дам олганимиздан сўнг йўлга тушдик. Уйга келиб, тугун-тақаларни тушириб қарасам, ўзимнинг сумкачам Самарқандда қолиб кетибди. Аёлларни биласиз, бир нарса йўқолса, тамом, шу лаҳзада дунё кўзига қоронғу бўлади-қолади. Яна денг, ҳалиги сумкамда узук-сирғам, тақинчоқлару эримнинг пуллари ҳам бор эди...” — дея ҳикоя қилади Тошкент шаҳри Ҳамза тумани Тўрткўл кўчасида яшовчи Шоҳиста Давронова.

— Қарасам, аёлимнинг ранг-қуту учиб кетди. “Кўявер, ҳозир Самарқандга телефон қиламан, оғайниларибга айтаман, суриштиришади”, десам ҳам кўнмайди, — дейди Шоҳиста опанинг эри Гуломжон Жумаев. — Яқин йўл бўлса экан, бу ёғи ўзим рулда келганман, шунақа чарчаганманки, асти кўяверинг. Иложи бўлса ётиб ухласам, деб турибман. Қайда, бўлмади. Уйга соат кечки тўққизларда етиб келган бўлсак, хотин қаттиқ туриб олди: “Илтимос, دادаси, нима бўлсан юринг энди, машина ёллаб бориб келамиз. Эрталабча тамом бўламан мен”. Охири Отчопардан бир хайдовчи билан бориш-келиш ҳақини келишиб, кечаси Самарқандга жўнадик...

Уйда битта игниси йўқолса, ҳузур-ҳаловатидан айриладиган аёл зоти учун

ҳар қандай шароитда “йўқолган пичоқнинг сопи олтиндан ҳам қимматроқ” туришини ҳаммамиз яхши биламиз. Шундай қилиб, эр-хотин ярим тун, яъни соат икки яримда кўхна шаҳарга етиб боришиб, “Лаззат” кафеси дарвозасини тақиллатишади.

Шоҳиста Давронова:

— Кечаси биров безовта қилса, ҳеч кимга ёқмайди. Лекин ноилоҳ, юрагимни ҳовучлаб ўтирибман. Нима бўлса-да, сумкам топилсин-да ишқилиб, деган хавотир билан кўнгирикчи босавердим. Ниҳоят, йигирма дақиқалардан кейин бир йигит дарвозани очди. Мен шоша-пиша бўлган воқеани гапиряпман-у, у бўлса, бамайлихотир оҳангда: “Опажон, ҳеч ташвиш чекманг, сумкангиз йўқолгани йўқ, ўша заҳоти олиб қўювдик, кечгача

қутиб ўтирдик, эгаси қайтиб келар деб. Ҳозир олиб чиқаман”, деди-да, ичкарига кириб кетди. Бир пасдан сўнг қайтиб чиқиб, “Яхшилаб кўриб олинг, биз бировнинг омонатига хиёнат қилмаймиз, ҳўжайинимизнинг талаби шундай. Энди кечаси йўл юрманлар, қани ичкарига марҳамат. Ётиб қолинглар, эрталаб кетасизлар” дея илтифот кўрсатди. Биз эса шошилиб машинага чиқиб яна изимизга қайтдик...

Шоҳиста опани бевосита газетамизга мурожаат этишга ундаган нарса, кўнгиликда озгина хижолатпазлик экан. “Ишонасизми, то Самарқандга етиб борганимизда, ҳатто сумкамни кўлимга ушлаганимча ҳам мени бошқа бир умидсизлик эзари. Кўп кўрганим учунми, жамоат жойларида йўқолган ҳар қандай нарса арзонми, қимматми, топиш жуда мушкул. Қандам куч одам қайтариб беради. Шунинг учунми, ўша тунда “Лаззат” ошхонаси соҳибларига, иймони бутун инсонларга шоглиман боис бир оғизгина раҳматимни ҳам айтолмадим. Ҳеч курса, қаранг, ҳалиги йигитнинг исми-шарифиниям сўрамабман. Насиб этса, энди Самарқандга борсак, албатта, “Лаззат”чиларга самимий миннатдорчилик билдириб келаман”, — дейди Шоҳиста опа кулимсираб. Барибир кўпчилигимизни қизиқтира-

ётган савол битта: у ҳам бўлса, ҳўш, ана шу сумкачанинг ичида қанча миқдордаги нарса-буюмлар бор эканки, бир оилани шу даражада безовта бўлишига, қолаверса, шошилиб тарзда сал кам 700 чақиримлик йўлни бир кечада босиб ўтишга мажбур қилди? Шоҳиста опадан бу ҳақда сўрасак, у киши истиҳола билан “Шарти айтишим, лекин ҳар ҳолда кам эмас, уч миллион сўмлик нарсалар бор эди”, деб қўйди...

Мохинур ҚОДИРОВА

ТАХРИРИЯТДАН: Муҳтарам муштарийлар! Биз ушбу рўкни “Кўнгилли воқеа” деб номлашимизнинг боиси, аксарият одамлар қайси бир газета-журнал саҳифаларида кўнгилисиз воқеа-ҳодисалар чоп этилган бўлса қизиқиб ўқишади. Аслида-чи? Бу дунёда яхшилик, эзгулик деган улуг тушунчалар ҳар доим инсониятнинг энг қадрили ва азиз туйғуларни сифатида эъзозланган. Шу маънода биз ҳам ҳар қандай кўнгилини осмон қадар юксалтирмаққа арзирли шундай кўнчли хўш хабар, муждаларни доимий равишда эътиборингизга ҳавола қилмоққа ҳаракат қиламиз. Бизга мактуб йўлланг, кўнгирик қилинг.



«Чимкентдан Тошкентга 17 ёшимда олий ўқув юртига ўқишга кириш ниятида келганим. Омадним чопмади. Лекин қайтиб кетмадим. Вақтим бекор ўтмасин деб хайдовчилик курсини тугатдим. Шу касбга меҳрим тушиб, қисматимга айланди. Уртоғимнинг никоҳ тўйида Насиба билан танишдим. У институтда охириги босқичда ўқирди. Яқинларининг норозилигига қарамай, Насиба мени танлади. Рисоладагидек тўйимиз бўлди. Иккита қизчали бўлдик. Нуридийдаларимда ўзим етишмаган орзуларни кўриш мақсадида болаларни уларга энг яхши совага қилиб бўларди. Ният қилганимдек, икки қизим ҳам олий маълумотли бўлиб, яхши жойларда хизмат қилишарди. Инсон эртанги кунда уни нима кутаётганини гоҳида билмай қоларкан. Рашк тўғриси оиламиздан файз, меҳр кўтарилди. Сиз оғзимиз сенга борди. Ҳаётимизга гумон аралашди. Оқибат, ёшимиз бир жойга борганда, неваралар кўрганимизда Насиба билан ажрашиб кетишга мажбур бўлдик. Ёшим 57 да. Қирқ йилдан буён Тошкентда яшайман. Хайдовчиман, топиш-тутишим жойида. Қадримга етадиган, мустақкам оила қурмоқчи бўлган, меҳрибон, фарзандлари таъшишидан қутулган аёл учраса хабар берсангизлар.

МАНСУР,
Тошкент шаҳри».

«Онамнинг айтишича, болалигимда жуда тортинчоқ эканман. Шу сабабли яхши кўрган қизим Нодирага ҳам севгимни изҳор қилолма-

ганман. Ўзимча хаёлот дунёсида сайр қилиб юраверганман. Хаёт бошқа экан. Нодира турмушга чиқиб кетгач, кўзим очилди. Афсус, энди кеч бўлганди. Кейинчалик ишимга берилиб кетдим. Оилада ёлғиз фарзанд бўлганим учун онам бечора бор меҳрини менга бағишлаганди. Отам фарзандлари кўп бўлишини хоҳлаб, бошқа аёлга уйланиб кетган. Онам дугонаси вафот этгач, унинг қизини ҳам асраб олган эди. Ҳозир опам оилала, яқинда қизини узатди. Онамга жудаям меҳрибон. Улар доим сен тенгиларнинг 2-3 нафар боласи бор, қачон уйланасан деб ҳоли-жонимга қўйишмайди. Яқинда бир қиз билан танишдим. Яхшигина жойда хизмат қиларкан. Тиббий кўрикдан ўтаётганимизда оғирроқ касали борлиги аниқланди. У мени тўғри тушунди. Бир-биримизга бахт тилаб, ўз йўлимизга кетдик. Ёшим 32 да. Маълумотим ўрта махсус. Ёшимга мос, тошкентлик, соғлом, оқ кўнгилик, инсоний фазилатларни қадрлайдиган қиз учраса, уйланмоқчиман.

РАВШАН,
Тошкент шаҳри».

«Уч қизимнинг кенжаси Муҳлисанинг болалигида кўзи шамоллаб

МАШХУРА хола,
Тошкент шаҳри».

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рўкнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (махалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

«ЎКТАМХОН-НУР»

ЎҚУВ МАРКАЗИ

қуйидаги ўқув курсларга таклиф этади:

- Тикувчилик** — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.
Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
Ҳамшира (тезкор) — 3 ой.
Тиббый массаж — 2 ой (амалиёт билан). Нуқтали — 1 ой.
Торт ва пишириқлар — 2 ой (амалиёт билан).
Пишириқлар олий курси — 1 ой.
Уйғурча таомлар ва салатлар — 1 ой (амалиёт билан).
Аёллар сартарошлиги — 3 ой (амалиёт билан).
Педикюр, маникюр — 1 ой (амалиёт билан).
Сартарошлик — 3 ой (амалиёт билан).
Тўй ва оқшом турмақлари ва макиаж — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
Элита парда ва чойшаблар олий курси — 1 ой (амалиёт билан).
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун, амалий).
Қаштачилик — 3 ой (машинадан чиқариш).
Тўқувчилик — 2 ой.
Инглиз тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
Рус тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
Бисер тикиш, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой. Интернет — 1 ой.
Арабча ва миллий рақс — 3 ой.

Ўқишга қабул ҳар куни

■ Машгулотлар амалиёт билан бирга олиб борилади. ■ Ётоқхона мавжуд.

Ўқиниш тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

Манзил: Юнусобод тумани, 3-мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод дехқон бозори орқасида. Тел: 221-17-95, 221-77-72 (кундузи), 225-97-93 18:00 дан 22:00 гача.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси ва «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси

Тахририятга келган қўлхатлар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.	Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ	БУНА ИНДЕКСИ — 176 Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган. Буюртма Г — 632. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ. Адади — 9014 Навбатчи муҳаррир — Фаррух ЖАББОРОВ Саҳифаловчи — Илхом ЖУМАНОВ Мусаххилар — Саидгани САЙДАЛИМОВ, Мафтуна МИНГБОЕВА
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00 Босишга топширилди — 16:00	Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20 Мухбирлар: 234-25-46 Котибият: 233-04-35	МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 700000 Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй Мўлжал: Олой бозори ёнида
E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz	Web-site: oilavajamiyat.uz	ISSN 2010-7609